



O`zbekiston Respublikasi Oliy va O`rta

Maxsus Ta`lim Vazirligi

Buxoro Davlat universiteti

Ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti

Iqtisodiy ta`lim va turizm kafedrası



Himoyaga ruxsat etildi

Kafedra mudiri _____ i.f.n. S.U.Tojiyeva

« _____ » _____ 2012 yil

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Sotsiologik tadqiqotlarda sifat tahlil usullari

Bajardi: 5140900 – “Kasbiy ta`lim” (ijtimoiy – iqtisodiy soha) yo`lanishi
kunduzgi bo`lim 4 “E” guruhi talabasi

Xojaeva Gulrux

Ilmiy rahbar

katta o`qituvchi Jo`raeva Z.T

Himoya sanasi

D.A.K.ning bahosi

« _____ » _____ 2012 yil

D.A.K.ning xulosasi

Buxoro - 2012

Мавзу: Социологик тадқиқотларда сифат таҳлил усуллари (Кейс стади, оғзаки тарих, гуруҳий мунозара мисолида).

Режа:

Кириш.

1-боб. Социологияда сифат таҳлил усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

1.1. Сифат таҳлил усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

1.2. Социологияда сифат таҳлил усулларидан фойдаланиш тажрибаси.

1.3 Сифатий тадқиқотда интервью хусусиятлари ўрни.

2-боб. Кейс стади усули асосида ишончли ахборотларни тўплаш амалиёти.

2.1. Кейс стади усули ҳақида умумий тушунча.

2.2. Кейсни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими.

2.3. Оғзаки тарих ва Гуруҳий мунозара усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Иловалар

Мундарижа.

Кириш.....	14
1-боб. Социологияда сифат таҳлил усулларининг ўзига хос хусусиятлари.....	20
1.1 Сифат таҳлил усулларининг ўзига хос хусусиятлари.....	20
1.2 Социологияда сифат таҳлил усулларидан фойдаланиш тажрибаси.....	27
1.3 Сифатий тадқиқотда интервью хусусиятлари ўрни.....	39
2-боб. Кейс стади усули асосида ишончли ахборотларни тўплаш амалиёти.....	50
2.1. Кейс стади усули ҳақида умумий тушунча.....	50
2.2. Кейсни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими.....	58
2.3. Оғзаки тарих ва Гуруҳий мунозара усулларининг ўзига хос хусусиятлари.....	67
Хулоса.....	73
Адабиётлар рўйхати.....	75
Иловалар	77

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сунг давлатимизнинг жамиятга булган эътибори янада кучайди ва социология мустақил фан сифатида вужудга келди. Унлаб олий укув юртларда социология факултетлари ва кафедралари ташкил этилди, барча таълим йуналишлари укув режаларида социология фани зарурий укув предмети сифатида жорий этилди. Социология мутахасислари фан номзодлари тайёрлана бошланди. Ўзбекистонда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини урганишга мулжалланган марказ кенг куламда иш олиб бормокда. Мамлакатимизда ижтимоий хаёт масалаларини ўргатувчи унлаб социологик марказлар фаолият юритмокда. Истиклол йилларида жамиятнинг умумий ривожини мамлакатимизда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, ижтимоий жароёнлар ва жамоалар мохияти, хусусиятлари уларнинг фаолият йуналишларига булган эътибор кучайди. Социология фани бугунги кунда мухим ва тезкор ривожланиш боскичида турибди. Мазкур фаннинг турли муаммолари файласуфлар, тарихчилар, педагоглар, иктисодчилар ва кенг жамоатчилик томонидан атрофлича урганила бошлади. Бундай кизиқиш мустақилликни мустахкамлашнинг хозирги боскичида турли ижтимоий-сиёсий масалаларни янгича бахолаш юзасидан социология фани имкониятларига булган ижтимоий эhtiёжларни кескин ортиши билан изохланади. Республикаимизнинг мустақиллика эришуви, миллий истиклол йулидан изчил бораётганимиз, ривожланиш тенденциясида Ўзбекистоннинг узига хос ва мос беш устувор койдага асосланиб харакат килинаётганлиги, хусусан:

- иктисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иктисодиёт мафкурадан холи булиши;

- hozirgi vaziyatda davlat jamiatning bosh islohotchisi rolini uynashi;
- konun haма жойда хама нарсадан устун туриши;
- мамлакатимизда истикомат килувчи турли миллатлар ва ижтимоий гурухлар манфаатларни ҳисобга олиб, инсонпарварлик билан йугрилган кучли ижтимоий сиёсат утказиш лозимлиги;
- бозор иктисодиётига собит кадамлик билан боскичма – боскич, тадрижий ривожланиш тамойилигига изчил риоя этиш оркали ута бориш, бугунги кунда жамиятимиз турли жабхаларини атрофлича урганиб бориш ижтимоий воқеяликдаги фикр ривож ва уни мақсадли бошқариш масалаларини кун тартибига муҳим масала қилиб қуяди. Ижтимоий - иктисодий воқеяликни чуқур идрок этиш, истикболни режалаштиришнинг илгор йуналишларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалари даражасига чиқарилмоқда. Зеро « Ўзбекистоннинг халқи тез усапти. Келажакни уйлаш керак , бир йил олдинни эмас, 10-20 йил олдинни уйлашимиз керак ». Бугунги кунга келганда дунё социологиясида ҳолат ўзгарди. Миқдорий усуллартанқид қилинди. Социологлар ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг инсоний моҳиятини тушунтириб беришда макросоциологик назариянинг имкониятларидан ҳафсалалари пир бўлганди.

Ҳозирги замон социологиясида инсонпарварлик даври, глобал муаммоларни, рационал ўрганишдан локал бирликларни ўрганиш ва тушуниш, озчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ва инсонларнинг ҳар кунги ижтимоий тажрибасини ўрганиш, ижтимоий ҳодисаларни макродан микроанализ қилишга ўтиш зарурати XX асрнинг 60-70 йилларида асослаб берилди.

Каримов И. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 64-бет.
 Каримов И. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 55-бет.

Аммо орадан ўтган чорак асрга яқин давр бу борада ҳам ўзининг айрим сўзларини айтишга улгурди. Кейинги даврда бутун дунёда тез-тез мурожаат қилинаётган ижтимоий зарурат ўтиш даври деб номланиб келинмоқда. Бу эса ўтиш даври социологиясини яратиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Айни пайтда ижтимоий жараёнларни макро ва микросоциология даражасида ўрганишни - ижтимоий жараёнларни ўрганишда хаослар ўрнини тўлдиришга маълум даражада хизмат қилиши мумкин.

Максаднинг бундай лунда ва катъий қўйилиши социологик татқиқот усулларини ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кенг куллаш ҳамда жамият ижтимоий жараёнлари қонуниятларини социологик жиҳатдан тадқиқ этиш лозимлигини таъкидлайди.

Шундай тадқиқот методларидан бири, сифат тадқиқотларидир. Бундай тадқиқотлар янги ходисаларни ва оммавий кенг тарқалган, айниқса кескин ижтимоий ўзгаришлар шароитидаги жараёнларни ўрганишга имкон беради. Бунинг учун эса бизга сифат таҳлил усуллари ёрдамга келади. Ҳуш, сифат таҳлил усулларини ўзи нима, деган савол тугилиши табиий. Сифат таҳлил усулларини гуманистик социология деб ҳам атайдилар, сифат таҳлил усуллари объекти бўлиб, маълум бир ходиса, шахсларнинг ижтимоий, психологик хусусиятлари олиниши мумкин. Бунда уларнинг ҳагги – ҳаракатлари таққосланади, маълумотлар тупланади, ҳамма фактлар, изоҳлар муҳокама қилинади. Маълумотлар манбаи бўлиб, кузатувлар, фотолар, фокус - интервьюлар, эксперт – интервьюлар, ишлаб чиқариш тавсияномалари, видео маълумотлар бўлиши мумкин.

Толстова Ю.Н., Масленников Е.В. Качественная и количественная стратегии: эмпирическое исследование как измерение в широком смысле // Социол. исслед. - 2000. - № 10.

Мавзунинг урганилганлик даражаси.

Битирув малакавий ишининг мавзуси социологик тадқиқотларда сифат таҳлил усулларидан фойдаланиш методикаси социолог олимлар томонидан уз асарларида турлича талқин қилинган. Сифат таҳлил усуллари имкониятларини кескин ижтимоий шароитларга мослаштириш, улардан фойдаланиш, жамият ҳаётига тадбиқ қилиш ва уларни ишончли ахборот воситасига айлантириш буйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Социологияда сифат таҳлил усулларини урганиш йигирманчи асрнинг олтинчи йилларидан бошланади ва ҳозирга қадар турли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Битирув малакавий ишини методологик асоси гарб психологлари, социолог олимлари ва президентимиз И. А. Каримов мавзунинг долзарблигини тасдиқловчи фикр ва қарашлардан келиб чиқади.

Жумладан, сифат таҳлил усулларидаги илк маълумотларни У. Томас ва Ф. Знанецкийнинг «Поляк дехқони Европада ва Америкада» асарида тулиқ очиб беришга ҳаракат қилган. Улар бу беш томдан иборат асар орқали поляк оиласида ижтимоий ўзгаришларни таъсирини курсатиб берган. Яна гарб социолог олимлардан қуйидагилар ҳам уз асарлари орқали хиссаларини қўшганлар.

Гофман А. Б. Семь лекций по истории социологии, Елқусов А. Н. Социология. Учебное пособие для студентов ВУЗов, Ньюман Л. В. Социал илмий методлар: сифат ва миқдорий ёндашувлар А.Ядовнинг «Социологик тадқиқотлар стратегияси», Э. А.Капитоновнинг «XX аср Социологияси» асарларидан ҳам кенг ўрин олган.

Сифат таҳлил усулларининг хусусиятлари ва имкониятлари ҳақида Б.Ш.Каримов ўзининг “Социологик тадқиқот методи ва техникаси” номли кулланмасида ҳам кенг тўхталган.

Мавзунинг мақсади.

Сифат таҳлил усуллари, хусусиятлари, имкониятлари ва унинг ишончли ахборот туплаш воситаси сифатида ижтимоий жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга:

- социологик тадқиқотларда сифат таҳлил усулларининг аҳамиятини очиб бериш;
- сифат таҳлил усулларидан кейс – стади, тарихий тадқиқотлар ёки огзаки тарих усули, гуруҳий мунозара ёки фокус – гуруҳ кабиларнинг имкониятларини тушунтириш;
- шу билан бирга, этнографик тадқиқотлар, оила тарихи, маълумотларни олишда шахсий ҳаёт тарихи, ўхшаш ҳодисаларни таққослаш усуллари ҳақидаги маълумотлар мавзунини очиб беришдаги долзарблигини кўрсатиш;
- сифат таҳлил талаблари, унинг асосида ўтказиладиган интервью, кузатиш методлари орқали объекти ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Юқорида курсатилган масалалар битирув малакавий ишимизнинг мақсади қилиб олинди.

Мавзунинг вазифалари.

- социологик тадқиқотларда сифат таҳлилининг услубий хусусиятларини урганиш;
- сифат ёндашувининг имкониятларини урганиш;
- сифат таҳлил усулларининг назарий ва амалий манбааларини таҳлил

этиш;

- сифат тахлил усулларининг турлари ёрдамида муаммоли вазиятни хал этиш;

Мавзунинг методологик асослари.

Битирув малакавий ишининг ёзилиш жараёнида турли тадқиқот усуллари ва ишлари олиб борилди. Кейсологларнинг иш фаолияти билан бевосита танишдик ва уларни тахлил килдик. Битирув малакавий ишининг методологик асоси сифатида президентимиз асарлари, гарб олимлари Гофман А. Б. Семь лекций по истории социологии, Елкусов А. Н. Социология. Учебное пособия для студентов ВУЗов, Ньюман Л. В. Социал илмий методлар: сифат ва микдорий ёндашувлар, Капитонов Э. А. Социология XX века, Сифат тахлил усуллари хусусиятлари ва имкониятлари хақида Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси номли кулланмаси, таълим технологияси журнали ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг объекти

Битирув малакавий ишининг объекти Сифат тахлил усуллари хусусиятлари ва кейс – стади, тарихий тадқиқотлар ёки оғзаки тарих усули, гурухий мунозара ёки фокус – гурух кабиларнинг имкониятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг предмети.

Битирув малакавий ишининг предмети сифат тахлил усуллари ёрдамида муаммоли вазиятни, холатни урганиш ва уни хал этиш.

Мавзунинг таркибий тузилиши.

Битирув малакавий иши кириш, икки боб, олти бўлим, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган булиб ---- саҳифадан иборат.

1-боб. Социологияда сифат таҳлил усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

1.1 Сифат тадқиқотларнинг услубий хусусиятлари

Олдинги бобларда таърифланган баҳолаш усуллари, даражалари, маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилиш “қатъий” усулларга киради. Уларнинг назарий услубий асоси жамият ҳақидаги тартибли уюштирилган бутунлик тушунчаси ва илмий билимларнинг объектив борлиқни рационал тартибга келтириш маҳорати ҳақида тахмин ва уни мантиқни тушунтириб бериш, бу бутунликнинг етарли даражада ихчам назариясини тузиб чиқиш билан боғлиқ.

XX асрнинг 60 йиллар ўртасида ғарб социологиясида “қатъий” - миқдорий усуллардан фойдаланиш ўзининг чўққисига чиқди. Баъзи ҳисобларга кўра етакчи журналларда босилаётган 90 фоиз нашрлар таҳлил қилишнинг миқдорий усулидан фойдаланган.

Бугунги кунга келганда дунё социологиясида ҳолат ўзгарди. Миқдорий усуллар танқид қилинди. Социологлар ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг инсоний моҳиятини тушунтириб беришда макросоциологик назариянинг имкониятларидан ҳафсалалари пир бўлганди.

Ҳозирги замон социологиясида инсонпарварлик даври, глобал муаммоларни, рационал ўрганишдан локал бирликларни ўрганиш ва тушуниш, озчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ва инсонларнинг ҳар кунги ижтимоий тажрибасини ўрганиш, ижтимоий ҳодисаларни макродан микроанализ қилишга ўтиш зарурати XX асрнинг 60-70 йилларида асослаб берилди. Аммо орадан ўтган чорак асрга яқин давр бу борада ҳам ўзининг айрим сўзларини айтишга улгурди. Кейинги даврда бутун дунёда тез-тез мурожаат қилинаётган ижтимоий зарурат ўтиш даври деб номланиб келинмоқда. Бу эса ўтиш даври социологиясини яратиш заруратини кун

тартибига қўймоқда. Айна пайтда ижтимоий жараёнларни макро ва микросоциология даражасида ўрганишни - ижтимоий жараёнларни ўрганишда хаослар ўрнини тўлдиришга маълум даражада хизмат қилиши мумкин.

Классик социологияда индивидлар ҳаёти - бу индивидуаллардан юқори ва уларнинг ихтиёрида бўлмаган умумижтимоий қонунлар намоён бўлишидан иборатдир.

Индивид ижтимоий тип вакили сифатида кўрилади. Агар биз кишининг ижтимоий дунёсини унинг ташқи воқеиликни қандай кўриб қабул қилишини, унинг дунё қарашини тушунишини истасак, бу ерда категориялар ва абстракцияларнинг рационал тилигина камлик қилади. Инсоннинг турли хил мулоҳазалар ва ҳаракатларга берадиган маъноларни адекват тушиниш даражасига яқинлашиш керак. Ҳолбуки, кишининг қилмишлари унинг ўзи томонидан доимо адекват тушунилмайди. Уларнинг чуқур маъносини тушуниш учун социологик тушунчаларда ифодалаш учун анчагина ҳаракат ва куч сарфлашга тўғри келади.

Инсоннинг тартиб - интизоми, юриш - туриши ҳақидаги тушунчалар ҳам маълум назариялар орқали бу ҳаракатларни тушунтиришни талаб қилади.

Бошқа сўз билан айтганда миқдорий социология ташкилотлар, структуралар социал институтлар орасидаги ижтимоий ўзаро ҳаракатларни ўрганса, сифатий социология бу муносабатларнинг реал амалиётининг субъектив томони билан шуғулланади. Бу жамиятда “Ҳаким бўлиш” ёки “Ўқитувчи бўлиш” нимани англатади ҳамда ўқитувчи ва ҳакимнинг амалдаги муносабатлари қандайлигини ўрганади.

1. Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси фанидан таянч тушунчалар билан ишлаш. Услубий қўлланма. Бухоро.: 2005 й.

Биринчи навбатда муаммоларни ўрганиш учун ижтимоий билимлар, таърифланган тушунтирилган ва умумлаштирилган муаммоларга асосланган бўлиши керак; конкрет кишиларнинг амалиёти, ҳиссиётлари, тажрибаларини ўрганиш керак; иккинчидан, қатор муаммоларни тушуниш ва изоҳ беришга асосланган билимлар керак.

Сифат ёндашувни ўрганиш имкониятлари

Энди сифат таҳлили ёндашувини “бошқа” методология сифатида кўриб чиқамиз. У юқорида таърифланган стратегиялар ва тадбирлардан фарқ қилади, чунки илмий изланиш ҳамма даврда бошқача мантиққа асосланган тадқиқотчининг назарий мақсадидан унинг қизиқиш фокусидан, ўрганилаётган объектга бўлган муносабатидан, маълумотларни йиғиш жараёни ва уларни изоҳлаб беришгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

Мисол учун тизимли таҳлил нуқтаи назаридан ҳозирги замон жамиятининг умумий шарт-шароитларини турли хилдаги ижтимоий гуруҳларни бир хил шароитдаги деб олганда ўрганиб тушунтириш мумкин. Масалан: солдатлар, яқка оналар, ҳарбийлар мажбуран нафақага чиққанлар. Аммо сифат таҳлили (инсонпарвар) социологияси нуқтаи назаридан олганда бу гуруҳлардаги ҳар бир инсон тақдири ётади, чунки специфик ижтимоий тажриба алоҳидаги кечинмалар ва азоб уқубатлардан иборат, улар эса умумлашиб унинг махсус “Ҳаёт дунёсини” ташкил этади. Бу дунё айнан “Махсус дунё” сифатида ўрганиш объекти бўлиш мумкин. Уларнинг ўтмишдаги тажрибаси кундалик ташвишлар, кечинмалар фақат бу гуруҳларнинг индивидуал тақдирларини, умумий ижтимоий кўринишда-берилган ижтимоий тарихий ҳолатдагина ўрганиш, тушуниш мумкин. Бошқа томондан бу кишиларнинг тажрибаси умумижтимоий тажрибанинг бир лавҳаси бўлиб ҳисобланади. Бундай тажрибалар йиғиндиси жамиятнинг ижтимоий кўринишини тасаввур қилиш

имконини беради. Шундай қилиб сифатий тадқиқотнинг умумий фокуси диққатни айрим ҳолдаги ижтимоий тажрибаларнинг бутун тизимини диққат марказига қаратади.

Сифат услубнинг имкониятларини қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Бу 1899-1910 йилларда полякларнинг оммавий равишда Америкага миграция қилиши. Ўша пайтда поляклар Америкага кўчиб келган мигрантларнинг 4 дан бир қисмини ташкил этган. Бир Чикаго шаҳридагина улар 360 минг бўлган.

Бундай қараганда мигрантларни оммавий сўроқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Аммо, Томас билан Знанецкий миграция жараёнини ўрганиш йўли билан АҚШ га келгунча ва келгандан сўнг ҳар кунги амалиётини анализ қилиш билан улар бир неча йил давомида полякларнинг шахсий ҳужжатларини йиғдилар (764 хат) ва қатор интервьюларини ўтказдилар. Газета маълумотларини, поляк архивларини Америка ижтимоий агентликлари ҳужжатларини миграция бўйича ўрганиб чиқдилар. Уларнинг стратегияси ўрганилаётган феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига диққат эътиборни қаратиш, унинг ҳар кунги деҳқон ҳаёти ҳақида турли хил маълумотларни анализ қилишдан иборат эди. Бундай тадқиқот стратегияси жараённинг субъектив томонига эътиборни кучайтиришга имкон берди; полякларнинг АҚШ га миграция қилинишига нима мажбур қилди? Қарорларни қабул қилиш жараёни қай тарзда ўтди? Уларнинг қиймат системасига қандай таъсир қилди ва бу қай тарзда акс этди? Натижада тадқиқотчилар амалий хулосаларгина чиқариб қолмай балки мигрантларнинг умумлаштирилган адабтация тартиби концепциясини яратдилар; янги ижтимоий шароитда онгнинг ўзгариши; оила ва жамоа боғланишларнинг узилиши; инновацион жараёнлардаги норма ва четга чиқишлар; гуруҳ томонидан назоратнинг бузилиш натижаси билан жинслар муносабатининг ўзгариши ижтимоий бахт концепциясидир. Лекин асосийси-

(миграциянинг) объектив факторларининг таъсири уларнинг субъектив факторларнинг таъсири уларнинг субъектив интерпритация орқали воқеаларнинг айрим қатнашчиларининг борлиқни ўз тушунчалари бўйича кўриб чиқилди.

Сифат усулларнинг имкониятларини кескин ижтимоий шароитлар ўзгариши пайтида биз объектив ва субъектив ҳолларини ўз тажрибада кўришимиз мумкин (Россияда 1992-1993 кризис пайтидаги ёшларнинг адаптацион стратегияси).

Микросубъектив фактор - оиланинг орзу - умидлари борасидаги конфликтлари - ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оқибатларга олиб келди; адаптация стратегиясининг маълум бир тури. Бундай икки хил паллиатив стратегия (икки қарра бандлик) кенг тарқалган. Шундай қилиб сифат ёндашишнинг умумий стратегияси очик қидириш, структуралаштирилмаган муаммоли ҳолатларни анализ қилишдан иборат. Тадқиқотчининг диққати айрим субъектларни йириклаштириб кўриб чиқишга қаратилган. Сифат усуллардан фойдаланинг, агарда тадқиқотчининг диққат марказида айрим ижтимоий объектнинг хосликларини ўрганиш воқеанинг умумий суръатини ёки ҳодисанинг унинг таркибий бирлигида, объектив ва субъектив факторларнинг ҳамкорлигида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сифат тадқиқотлар янги ҳодисаларни ва оммавий кенг тарқалган, айниқса кескин ижтимоий ўзгаришлар шароитидаги жараёнларни ўрганишга имкон беради.

Сифат усулларининг назарий

манбалари

Сифат таҳлили асосларини гуманистик социология деб ҳам атайдилар. Бунда структурализмга нисбатан индивидлар ижтимоий ҳаракат агентлари деб тушунилади. Улар ижтимоий дунёнинг маҳсулоти ёки қурбони эмас, балки ўйлаётган, ҳис қилаётган, ҳаракат қилаётган субъектлар бўлиб, атрофдаги

дунёни яратишга қатнашадилар, ўзининг ва бошқаларнинг тартибига ўзининг маъносини ва аҳамиятини берадилар. Катта ижтимоий системалар бундай қарашда муносабатларнинг мураккаб жараёнлар натижасида пайдо бўлиши, ундаги умумий маънолар ва аҳамиятлар маълум даражада ижтимоий муносабатлар қатнашчиларнинг ҳаммаси томонидан белгиланади ва маъқулланади. Мисол учун ҳаммага тушунарли никоҳ маросимида айтилган “ҳа” сўзи. Бу сўз ҳамма ҳаракатларни мужассамлаштириб ҳамма қатнашчиларга бир маънода тушунилади. Шунинг учун сифатий социологияни субъектив социология деб ҳам атайдилар.

Уни микросоциология ёки фрагментар социология деб аташ ҳам мумкин. Чунки бундай ёндашиш натижасида диққат конкрет муносабатларнинг микроанализмга қаратилади. Фрагментар социология деган тушунча-бу жамиятни кўпгина фрагментлардан тўқилган мазаик матодай тушуниш мумкин.

Символик интеракционизм Ж. Мид, Ю. Хабермас, Х. Белюмер сифатий социологияга тил ҳақидаги тушунчани киритган. Ижтимоий коммуникациялар маъносини изоҳлашда бу асосий калит бўлиб хизмат қилади. Бу ёндашувга асосан жамиятдаги интеракциялар тил воситаси орқали бажарилади.

Киши ҳаракатини унинг ташқи ҳаракатларини қайд қилиш билан тушунтириб бўлмайди. Бунинг учун тил билан ифодаланган, ҳамма қатнашчиларга тушунарли бўлган ички символик маъноларни билиш керак. Феноменологик анъаналарда бу ғоялар инсоннинг тартиб сабабларини, унинг биография ҳолатидан тушуниб олиш даражасигача ривожлантираман, А. Гинец сўзлари бўйича унинг “ҳаёт дунёсига” асосланиб, кишилар ҳар бир ижтимоий ҳолатга ўзларининг сабабларини, тартиб моделларини киргизиб ижтимоий борлиқни субъектив тузадилар ва бу ҳолатлар такрорланганда аввалги қўлланган тартиб сабаблардан фойдаланадилар. Шундай қилиб,

субъектнинг ички дунёни типлаштирилади, бу бошқаларга ҳам мансуб бўлади.

Этнометодология кишиларнинг ҳар кунги амалиётига асосланиб олиб борилган эмпирик кузатувлар йўли билан тартибни тадқиқот қилишга таянади. Оддий одамлар бу ерда эксперт ҳисобланади, чунки улар ҳар кунги тажрибаларида профессионал социологларга нисбатан билимдонроқдир. Бу айрим ижтимоий гуруҳларнинг ҳар кунги амалиётини ўрганиш учун манба ҳисобланади. Бундай анализни фольклор социологияси деб ҳам атайдилар.

Шундай қилиб методология нуқтаи назаридан сифатий ва гуманистик социология ўзининг моҳияти билан микросоциологиядир, тадқиқотчи ўзининг диққатини ижтимоий ҳаракат агенти бўлган субъектга қаратади, авваламбор шахсий, ҳар кунги тажрибасига, бошқалар билан бўлган муносабатига, сўзлар билан айтилган фикрларига ўз ҳаёти ҳақида ҳикояларига мурожаат қилади. Интерактив маълумотларни анализ қилиб (сўзлар, имо-ишоралар, коммуникатив белгиларни) социолог кишиларнинг ижтимоий турмушининг алоҳидаги формасини тушуниб олади ва изоҳлаб беради: у ўзининг кузатишларини умумлаштириб қолмай терминлар тилига айлантиради, кузатилаётган ижтимоий борлиқни берилган аспектига назарий изоҳлаб бериш учун. Сифатий социология 40 дан ортиқ стратегия ва усулларга таянади.

Ньюман Л. В. Социал илмий методлар.: сифат ва микродорий ёндашувлар. Бостон.: 1991й.

1.2 Социологияда сифат таҳлил усулларида фойдаланиш тажрибаси.

Ҳозирги пайтда сифатий социологияда кенг қўлланадиган турли хил усуллари умуллаштирган ҳолда қуйидагиларни келтириш мумкин:



Кейс-стади (case study) – айрим бирликларни тадқиқ қилишда йирик объектни ўрганишнинг анъанавий соҳасидир. Бундай объект бўлиб энг аввало, бошқа усуллар билан ўрганиш қийин бўлган чегараланган биргина жамиятнинг (жиноий гуруҳлар, бомжлар, гадойлар, ижтимоий элиталар,

диний секталар, ҳамда ишлаб чиқариш коллективлари) турли гуруҳлари киради. Сўнги ҳолда тадқиқотчилар узоқ муддат давомида корxonанинг ҳар кунги ҳаёти қатнашчилари бўлиб қоладилар ва ўзаро боғлиқ алоқалар, муносабатлар системасини ўрганадилар, маълум воқеаларнинг коллектив ҳаётига аҳамиятини ўрганадилар.

Одатда анализ объекти бўлиб биргина ҳодиса олинади. Таққосланган вақтда уларнинг сони уч, тўрттадан кўп бўлмаслиги керак. Кузатишлар кундалигида оддий объект ҳаётидаги ва экстремал ҳолатлар пайма-пай қайд қилиниб бориши керак. Кузатувлар вақт бирлигида (соат, кун, ҳафта) олиб борилади. Ҳамма фактлар, изоҳлар, ғоялартадқиқотчилар гуруҳида муҳокама қилиниши керак. Маълумот манбаи бўлиб кузатувлар, фотолар, фокус интервьюлар, эксперт-интервьюлар, ишлаб чиқариш тавсияномалари, видеомаълумотлар бўлиши мумкин.

Кейс-стадида ўрганиш предмети айрим шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳам бўлиши мумкин. Кейс-стади хусусиятлари объектни ўзига хослигини чуқур ўрганишда, натижалар хулосаси локал характерга эга ва конфликтларни (низоларни) бартараф этиш ёки бирликнинг муваффақиятли фаолиятини давом эттиришга тавсияномалар беришда намоён бўлади.

Этнографик тадқиқотлар қоида бўйича таърифлаш хусусиятига эга ва кўп қиррали, маълум бирликнинг ҳар кунги амалиётини, унинг маданияти (норма, қийматлари, тили, афсоналари) аҳолининг асосий қисми маданияти фарқланадиган маданиятга эга анализни билдиради.

Тарихий тадқиқотлар ёки оғзаки тарих, одатда маълум тарихий воқеаларни атаб ўтиш субъектив тажрибасини таърифлаб беради.

Бунда социологларнинг қизиқиши тарихий воқеаларнинг локал ёки умумаҳамиятга эга бўлган томонга йўналтириш мумкин.

Тарихий тадқиқотда умумижтимоий масштабга эга воқеадан бой хужжатли маълумотлар бўлмаса янада қимматлироқ бўлади. Бунинг учун ижтимоий тарихий жабҳани чуқур таҳлил қилиш керак.

Оила тарихи усули авлодлар, бўғинлар давомида оила ва жамиятнинг ҳамкорлигини ўрганади. Оила нисбатан мустақкам кичик гуруҳ сифатида тарихий ўтмиш таҳлили асосида олинган. У ҳар бир бўғинда аъзоларга бўлинади ва қайта тузилади. Бу эса унинг ижтимоий феноменлиги, доимийлигини рад қилмайди. Оила аъзоларининг ҳудудий ва ижтимоий мобиллиги, ўтувчанлиги, оиланинг ижтимоий статуси (мавқеи) авлоддан авлодга ўзгариши, маданий меросни бирлиги қийматларнинг ўзгариши инсон ҳаётининг тарихи болаликдан бошлаб улғайиши, қариши сифатий социологияда энг тарқалган йўналишдир.

Маълумотларни олиш услуби - таржимаи ҳолини олиш интервьюни-саҳна кўринишидай ўзи ҳақида, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб бериши. Тадқиқотчиларнинг қизиқиши ҳаёт ҳақидаги ҳикоянинг тузилишига қаратилиши мумкин таржимаи ҳолнинг тузилиши йўлига қаратилган бўлиб, респондентнинг ижтимоий идентификациясини аниқлаш учун қўлланилади.

Шахсий ҳаёт тарихи, ҳаётининг воқеаларни яшашдаги усулларни ўрганиш асос бўлиши мумкин: индивидуал кризислар, таржимаи ҳолнинг бузулиш пайтларида, ижтимоий тарихий ҳолатларда бўлишини ўрганиш мумкин. Ҳаёт тарихларидан кўпинча тендер тадқиқотларида фойдаланадилар, улар эркак ва аёллар тартиб моделларини маълум ижтимоий birlikлардаги хусусиятларини чуқур ўрганишга имкон беради.

Таржимаи ҳол ҳақидаги ҳикоялар ўзининг умумийлигида маълум ижтимоий ҳолатда коллектив яшаш тажрибаси сифатида анализ предмети бўлиши мумкин.

Ўхшаш ҳодисаларнинг таққослаш анализи ижтимоий муаммони таърифлаб бериш учун асос бўлиши мумкин. Бундай методологик ёндашиш ўхшаш ҳолатларда бўлган ҳаётий стратегияларни умумлаштириш мумкин, чунки ҳаёт тарзи, маданий йўналишлар, тартиб, намуналарни тузишга имкон беради.

Маълумот манбалари бу ҳолатда-таржимаи ҳоллар, интервьюлар йиғиндиси, шахсий ва расмий ҳужжатлар, ижтимоий статистика архивлар, жамоатчиликни сўроқ натижалари, коллектив тажрибани ижтимоий контекстини тасвирлаб берадиган манбалар бўлади.

Гуруҳий мунозара ёки «фокус-гуруҳ» усули-кишиларнинг маълум гуруҳларининг ҳаёт воқеаларини, ҳодисаларини муаммоларни тушунишдаги фарқларни аниқлаш усули.

Гуруҳ мунозаралари прикладной маркетинг тадқиқотларда, харидорларнинг талаби, рекламага бўлган реакция, сиёсий арбобларга муносабати ва ҳ.к.

Бу услуб миқдорий ва сифатий ёндашишларни бир қанча даражада комбинациялаштиради, чунки гуруҳлар маълум даражада бирликни намоёйиш қилишлари керак.


Мунозарани модератор-тадқиқотчи ўзи олиб боради. У мавзунини таклиф қилади ва қатнашчиларни баҳсга ундайди. Ўзларининг фикрларини баён қилишга таклиф қилинган фикрлардан ташқари бошқача фикрларни айтишга ундайди. Модератор устамонлик билан мунозарани олиб боради. Саволларни чуқур ўйлаб режа мақсадларига мувофиқ бўлади. Мунозаранинг мазмуни ва қатнашчиларининг тартиби сифатий таҳлил қилиниши керак. Фактлар бирма-бир ўрганилиши ҳамда лексика, оҳанг ва мумкин бўлган барча воситалар билан айтилган фикрларнинг маъносини тушуниш, айнан шу маъноларнинг қайсиларни мунозара қатнашчилари ўзлари берганлигини аниқлаш лозим.

Тадқиқотчи ўз диққатини мунозара предметига ҳамда конкрет гуруҳ вакилларига қаратади. (ижтимоий қатлам, касб, ижтимоий ҳаракатни қўллаб қувватловчи гуруҳ, поп-юлдуз мутаасублари, харидорлар ва ҳ.к.)

Гуруҳ таркиби тадқиқот масалалари ва мақсади билан белгиланади. Бунда бир хил бирликлар вакиллари бўлиши мумкин (масалан бирон партиянинг тарафдорлари ва рақиблари, санъатдаги жанр севувчилари, унга бефарқлар, гамоген гуруҳ талабалар, ўқувчилар, ҳарбийлар, нафақалар) «мақсадли» (тингловчилар, оммавий «ахборот воситаси ўқувчилари, «тасодиқий» гуруҳ (қандайдир тўсатдан келиб чиққан офатни бирга кечираётган кишилар). Бундай гуруҳларда одам сони 15 кишигача бўлиб, мунозара аудио ёки видеокассетага ёзиб олинади.

Сифат таҳлили тактикаси	➤ агарда қизиқиш марказида энг аввало объектнинг ўзига хослиги муаммолари ва унинг яширин ишлаш пуржиналарини аниқлаш турса, унда кейс-стади усули танлаб олинади. Бу ҳолда тадқиқот натижалари фақат амалий характерга эга бўлади ва маслаҳатлар ёки тавсиялар олинган бирликка қаратилади
	➤ агарда ўрганишнинг биринчи мақсади маълум бир жамият маданияти ҳақида янги билимлар бўлса, у тил ва тартиб формаларини батафсил таърифлаб беради. Бунда этнографик тадқиқот ўтказилади
	агарда тадқиқот тарихий воқеаларнинг қатнашчилари ёки шохидларига кўрсатган таъсирининг субъектив томонини аниқласа, унда оғзаки тарих усули танланади. Бу ерда биринчи масала бўлиб хотиралар тўғрилигини текшириш ва бошқа маълумот манбалари билан солиштириш ётади
	қизиқиш ижтимоий жараёнларнинг ретроспективасига, авлоддан

	авлодга маданий капитални ўтказишга қаратилган бўлса, у ҳолда оила тарихи усулига мурожаат қилади
	➤ агарда энг аввало шахсий ҳаёт ва ундаги акс этган ижтимоий маданий нормалар, шахсий ва ижтимоий нисбатлар асосида ётган бўлса тадқиқотчи ҳаёт тарихидан фойдаланади



Сифатий тадқиқотнинг техник жиҳатдан кўплиги бу ёндашишни миқдорий ёндашишдан фарқлайди. Тадқиқотчи ўзига қулай стратегия ва ҳаракат усулини унинг тадқиқот вазиятига мос келадиган равишда танлаб олади. Шу билан бирга у илмий изланишнинг маълум қоидаларига риоя қилиши керак. Кузатувчилар ва изоҳларни назарий асосда англаб олиш, аргументларни асослаб бериш, бўлган аниқ маълумотларга таянади (матнлар, кузатувлар, мавжуд ҳужжатлар, бошқа тадқиқотларнинг кузатувлари).

Сифат таҳлиллари асосидаги тадқиқот - қизиқиш объекти бўйича - кишиларнинг ҳар кунги амалиёти-журналистнинг ишини эслатади. Аммо профессионал социолог етарли даражада жонли воқеликни назарий билимлар асосида етарли даражада маълум мантиққа таяниб, илмий ёндашувларга риоя қилган ҳолда ўрганиши керак.

Тадқиқотчининг ҳаракат мантиғи

Агарда бизга таниш бўлган миқдорий тадқиқот операцияларининг кетма-кетлигига таяниб иш олиб борсак, унда фарқлар изланиш этаплари бўйича 33 схемада кўрсатилган.

Умуман олганда тадқиқотчининг роли ва тутган ўрни сифатий тадқиқотда мужассамлашади. Тадқиқотчининг ўзи ҳам универсал бўлиши керак. Шунинг учун сифатий таҳлилчи-социолог бўлиш бу ижодкор ҳисоланади.

Тадқиқотчи маълумотлар йиғиш ускунасига айланиб қолади. У доимо ишчи режим асосида шай бўлиб туриши керак.

Сифатий тадқиқотнинг процедурасини ишлаб чиқиш-бу шахсий стратегияни шакллантириш. Одатда у олинган проект мақсадлари учунгина қўлланилади.

Дала шароитида тадқиқот мақсадини амалга ошириш

Айтилгандай дала этапида бирваракайга маълумотлар йиғишнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин: кузатув ҳужжатлар йиғиш, изчил интервьюлар.

Тадқиқотчининг ҳаракат принциплари бунда жуда ўхшашдир. Шунинг учун биографик интервью мисолида кенг тарқалган сифатий маълумотларни йиғиш усули сифатиларини умумий кўринишда таърифлаб берамиз.

Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси фанидан таянч тушунчалар билан ишлаш. Услубий кўлланма. Бухоро.: 2005 й.

Муаммонинг кўриниши ва амалий тадқиқотларга тайёргарлик

Бошланғич этапда тадқиқотчи структуралаштирилмаган муаммони дала билан иш кўриш керак. Муаммони кўйиш вақтида тадқиқотчининг объектга бўлган қизиқиш доирасини белгилаб олиш зарур; қайси тавсиялар энг муҳими, қайсилари маълум, қайсилари номаълум доирасига киради. Сўнгилари қандай? Нима учун? Воқеалар ҳодисаларнинг боғланиши қай тариқада ўтади? Олдиндан ўрганилаётган дала ҳақидаги мумкин бўлган ҳамма манбалардан кўпроқ маълумот олиш керак. Кейин таҳлилнинг фазовий ва вақт чегаралари бўлган манбаларга ва ақл идрокка асосланиб белгилаб олиш.

Интервью учун объектларни танлаб олиш, ўрганилаётган воқеаларга турли даражада қатнашган кишиларни қидириб топишни тақоза қилади ва тадқиқотнинг асл мақсадига боғлиқ. Масалан аккупацияда бўлган болалар тажрибаси ва бу тажрибага эга бўлмаган болалар. Булар қайси жуғрофий нуқтада яхшироқ тақдим этилган? Албатта Смоленск вилоятидан чиққанлар биринчисига мос келади. Сибирдан чиққанлар эса эҳтимол бу тажрибага эга эмас.

Кейин Германияга бўлган муносабатини аниқлаш интервьюси учун адекват жой топиш. Бу ҳолда энг қулай жой «Берлин-Москва» кўрғазмаси урушдан олдинги Россия ва Германия санъатига бағишланган. Бунда биринчи фараз ҳали аниқланмайди, биз фақат тадқиқот майдонини белгилаймиз, шу майдон чегарасида муаммони ўрганиш мумкинлиги ва керакли бўлган маълумотлар шу шахслар доирасида бўлишига ишонч. Биринчи тахминлар ва фаразлар кўйиш тирик материалга йўналгандан кейин кўйилади. Бу этапда фақат тадқиқотчини қизиқтирган соҳаларгина белгилаб олинади.

1. Уруш йилларидаги болалик: қаерда, қачон ва ким билан ўша даврда бўлган?

2. Индивид атрофида ўша даврдаги бўлган одамларнинг фашистларга бўлган муносабати.
3. Болаликда немислар билан бўлган контактдан чиққан шахсий таъсуротлар.
4. Уруш давридаги болалик ҳақидаги ҳозирги хотиралар.
5. Кейинги немислар билан учрашувлар тажрибаси.
6. Германияга бўлган бугунги муносабати.
7. Германия образини яратишда болалик хотираларининг ўрни.

Кейинчалик таҳлилнинг баъзи соҳалари аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси тадқиқот жараёнида аниқ бўлади. Дастлабки тайёргарлик-бу муаммонинг ўзига хос айри табиий томонларини бир томондан типик, одатдаги тавсифлар, бошқа томондан-типик одатдаги, тавсифлар, бошқа манбалардан ҳам маълум бўлган. Бу ерда дастлабки назарий предмет ҳақида илмий ва публицистик адабиётни таҳлил қилиш экспертлардан консультация олиш статистика ва олдинги тадқиқотларнинг маълумотлари билан танишиш.

Сифатий тадқиқотчи-социолог камдан кам оддий интервьюерлар хизматидан фойдаланади. У профессионал тадқиқотчилардан фойдаланади ёки ўзи амалда тадқиқот ўтказди. Агар интервьюерлар таклиф қилинса, инструктаж пайтида улар нафақат усул билан танишиб қолмай балки муаммони ҳис қилишлари керак. Ниҳоятда улар маълумот тўпловчи ҳамда аналитик тадқиқотчилар бўлиши керак.

Интервью олиш учун белгиланган шахсларни танлаш, изчил интервьюларнинг чекланганлигида қўйилган муаммо бўйича энг яхши «эксперт» ким бўла олади (агарда тегишли ҳаёт тажрибасига эга бўлса) ва интервьюер билан муносабатга киришиш усуллари сифатида нималар танланади. Ҳақиқатда ҳар бир респондент ўзни ўз ҳаётининг кундалик

тажрибаси эксперти деб айтиши мумкин. Аммо бу ерда ҳамма нарса тадқиқот масалаларига боғлиқ. Бунда жонли вакиллар, маргиналлар, экстремал типлар ва машхур шахсларни фарқлайдилар. Қоидага асосан социологлар маълум бирликнинг оддий типик вакилларига мурожаат қиладилар.

Респондент кидиришда аввало формал параметрларини аниқлаш керак: жинси, ёши, касби, миллати ва ҳоказо: кейин бунақа кишиларни топиш учун қулай жой бирликлар, маълумотлар. Масалан маълум партия аъзолари ёки ноформал ёки формал учрашув жойлари, худди бомжлар ёки ишсизлар ва ҳоказолар. Шахсий муносабатлар умумий танишлар орқали мақсадли орага киришда энг қулай усулдир жуда ёпиқ бўлса ҳам. Агарда кидирувчи йўналишидан чиқмай ўзининг ҳамма алоқаларини ишга солиб олиб борганда яхши натижалар беради. Бўлажак кондидатларни танлаб уларнинг розилигини олгандан сўнг, улардан маълумотлар бланкаларини тўлдиришни сўраш фойдадан холи эмас. Бу нарса эса дастлабки режа тузиб суҳбатни эркин олиб боришга имкон беради. Ноўрин саволлар берилмайди. Чуқур интервьюлар олганда қаерда олиш масаласи муҳим ўринга эга.

Ёпиқ бирликларга кириш муаммоси ўзига хос хусусиятларга эга.

Бу ерда гуруҳнинг битта аъзоси розилигини олиш муҳим, чунки у интервью бергандан сўнг сизни бошқа иккита-учта танишларига тавсия қилиши мумкин, улар эса бошқаларига. Қачон 20-30-чи киши сиз интервью олган одамни тақдим этса, демак бу бирлик вакиллари қамраб олингани маълум бўлади, ҳамда олинган интервьюлар ҳам бир-бирига ўхшаб янгилик бермаса демак интервью ўз якунига келган бўлади. Алоҳида қизиқиш, машхур киши билан бўладиган интервью уйғотади, чунки унинг тажрибаси маълум ижтимоий муҳитнинг маълум даврдаги жамият вакилларининг хусусиятларини акс эттиради, аммо бундай кишилар билан алоқада бўлиш кийин. Шунинг учун бу диалогга журъат этишдан олдин, балки истеъфодаги

лидер билан учрашиб ундан маълумот олиш яхшироқдир. Чунки нафақадаги, унинг вақти ҳам кўпроқ, фикри ҳам холис.

Ким биринчи марта ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса энг яхши интервью учун объект бўла олади. Машҳур одам билан мулоқатда бўлиш, интервьюерларнинг яхши тайёрланиши ва суҳбат соҳасида яхши маълумотга эга бўлиши зарур. Суҳбат пайтида дилетант (иккиланиш) бўлмаслик учун.

Тадқиқотнинг дала босқичи

Тадқиқотчининг далага чиқиши стратегияни танлаш, интервью техникаси, қўшимча маълумотлар йиғиш (хатлар, ҳужжатлар, расмлар ва ҳоказо). Дала этапи энг асосий энг муҳими, чунки объект билан бўлган муносабатлардан, тадқиқотчининг позициясидан тадқиқотнинг якуний натижаси келиб чиқади. Шу билан сифатий тадқиқот миқдорий тадқиқотдан фарқ қилади.

Тадқиқотчининг позицияси

Сифат ёндашувда тадқиқотчининг тутган ўрни ва роли. Сифат ёндашувда тадқиқотчи позициясининг икки асосий хусусияти борлигини назарда тутиш керак.

Биринчиси шундан иборат, фактларнинг аналитик, одил регистраторидан фарқи, социолог бу ерда иккиланувчи позицияни эгаллайди. Хайрихоҳ томонини оладиган қатнашчи ва четдан туриб кузатувчи.

Воқеаларга шўнғиган хайрихоҳнинг роли объектнинг изоҳлари ва ҳаракатларини ўзининг изоҳлашида тушуниши учун керак. Хайрихоҳ позиция шўнғиш даражаси билан фарқланиши мумкин, оддий хайрихоҳликдан-актив хайрихоҳликкача (қўйилган кузатув ҳолатида, масалан этнографик тадқиқотда)-актив аралашигача сипидацияга қўшимча, факторлар киргизиш тадқиқотчи томонидан ўзгаришларни

келтириб чиқариш учун (қўшилган кузатув, тажриба ёки ижтимоий терапия ҳолатида).

Четдан кузатувчи позицияси маълум масофани сақлаб туриши учун зарур фақат танқидий аналитик бўлиб қолгандагина тадқиқотчи воқеалар катнашчиларининг амалий тажрибасини изоҳлаб ва таърифлаб бериши мумкин. Бунда иккала позицияларининг балансини тўғри тутиб бориши керак, бу ўз навбатида дала ишларининг муваффақиятли чиқишига гаров бўлади.

Иккинчи шарт-ишончли «тенг» шериклик муносабларини ўрнатиш. Киши тадқиқотчи учун, фақат «маълумот манбаи» сифатидагина эмас, балки ўзининг ички дунёқараши образлари, ҳиссиётлари, уникал ҳаёт тажрибаси билан қизиқарлидир, масала шундаки унинг ички дунёсини тасаввур қилибгина қолмай балки уни тушунишга, унинг нуктаи назарига туриш, унинг кўзлари билан ҳаётни кўришдир.

Тадқиқотчи ўзининг мақсадини англатади. « Мен сизнинг ҳикоянгизни эшитишга келдим сиз мен учун қизиқарлисиз». Оддий кишилар учун бу кўпинча жуда сийрак бўлган, ўткирларни билдириш топилмоқ учун имкониятдир. Кишилар социологларни бирдан бир «сўзлаш» имконияти деб биладилар. Бу ўз навбатида сўроқ қиладиганлар муносабатига қўшимча этик мажбуриятлар қўйишга мажбур этади. Ишончли муносабатларни ўрнатишнинг турли йўллари мавжуд. Тажриба шуни кўрсатадики, кишилар кўпинча болалик ҳақидаги эсталиклардан кўнгилларини очадилар. Шунинг учун тадқиқот ўтаётган ҳозирги кун воқеаларига йўналтирилган бўлсада олдинги тарихларни билиб олиши кейин маълум воқеаларнинг кетма-кетлигини боғланиб келинишини тушуниш учун керак бўлиб қолади.

1.3 Сифатий тадқиқотда интервью хусусиятлари ўрни.

Тадқиқот мақсадларига кўра сифатий интервьюлар технологияси турлича бўлиши мумкин. Нарратив интервью-(ҳикоя қилиш-narrati)-ҳикоя қилувчининг интервьюер томонидан ҳеч қандай таъсир кўрсатмай, қилган ҳикояси. Интервью пайтида киши ўзининг ҳаётини, ўзини қайтадан ўйлаб чиқади. Бу саводи юқори бўлмаган кишиларга жуда оғир тушади. Интервью ҳолати уларнинг ўзлари ҳақида айрим тарихий ва ижтимоий субъект эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Нарратив интервьюдан сўнг зарур бўлган маълумотларни олиш учун саволлар бериш мумкин.

Ярим структуралаштирилган интервью ҳар бир мавзу-тик блокларда мажбурий рўйхат аспекти бўйинча маълумотлар олиниши зарур. Бу ерда эркин суҳбат давомида саволлар бериш зарур. Лекин улар суҳбатининг умумий юришини бузмаслик керак. Агар бу тўғри келмаса, саволлар суҳбат охирида берилди. Берилган мавзу бўйича “сиз биринчи ишингиз ҳақида гапирдингиз” у сизга нималарни беда. Аниғи қайси йилда эканлиғни айтолмайсизми ва ким сизга бу ишга киришга ёрдам берди?”

Таржимаи ҳол ҳақида интервью ярим структуралаштирилган интервьюнинг бир туридир, бу ерда мавзу блоклари респондентнинг ҳаёт давлари асосий этапларининг кетма-кетлигига “болалик”, “Ўсмирлик”, “Ўқув“, “Уйланиш”, “Болалари” ва ҳоказо. Интервьюер фақат суҳбатни керакли мавзуга йўналтиради ва усталик билан кейинги блокка олиб келади. Қачон унинг фикрича ҳаётнинг бу даври ҳақида ҳикоя тугади.

Интим интервью.

Индивид ҳаётининг бир томонини унинг таржимаи ҳоли турли давларида кузатиш имконини беради. Масалан, агар бизни эр-хотин муносабатлари

турмушнинг турди даврларида қизиқтирса, унда суҳбат давомида ҳаёт тарихининг ҳар бир кейинги даврига ўтаётганда бизнинг диққат марказида шу томонни назарда тутишимиз ва қўшимча саволларни эру-хотин муносабатларининг ўзгариши борасида беришимиз керак.

Марказлашган интервью бошқача тактикани “йўлни” тақозо этади. Бунда ҳаётнинг бу ҳолати ҳақида иложи борича кўпроқ билиб олиш, бундан чиқиб интервьючининг саволлари маълум мавзунини чуқурлаштириб тадқиқот объекти ҳақида субъектив тушунчани янада кўпроқ конкретлаштиришга қаратилган. Интервью тактикаси ва стратегияси танлаш тадқиқот мақсадларига мос бўлиши керак.

Интервьючи жуда ҳам хушмуомалали бўлиши зарур, чунки, кишилар унга ўзларининг энг муҳим бўлган воқеаларни, сирларини айтиб берадилар. Қоида бўйича интервью 1,5-соат вақтни олади. Баъзи анализ пайтида пайдо бўлган саволларни кейинроқ иккинчи учрашувда ёки телефон билан сўраб олиш мумкин. Чуқур интервьюнинг парадокси шундаки ҳаётнинг энг қизиқарли ёки энг муҳим бўлган воқеалар, жиҳатлари интервьюдан сўнг эсга келади. Шунинг учун интервьюни тугатиш билан қисқача формал бўлмаган изоҳ, тузим керак, бунга:

-интервью ўтказилган жойнинг тўлиқ таърифи берилиши керак;

-респондентнинг юриши, туриши, ташқи кўриниши хусусиятлари;

-интервьюга бўлган муносабати (мамнунлик билан, очик кўнгил билан, менсимай, душманлик билан ёки очилмасдан) нутқининг таърифи, ҳамда бошланғич тахминлар ва фаразлар ҳикоядаги етишмаган маълумотлари ёки қарама -қаршиликлар. Диктафон кассетаси интервьюнинг санаси белгиланади, интервью берадиган ва интервьюернинг исмлари ёзилади. Учрашув давомида мумкин бўлган ҳамма дала ҳужжатлари йиғилади (хатлар, кундаликлар, расмлар, маъмурий ҳужжатлар ва ҳоказо).

Интервьюернинг асосий ҳаракат қоидалари:

1. Ҳар кунги табиий ҳолатдаги далилларни, ғайри оддий воқеаларни саралаб олиш керак.
2. Кишилар билан бўлган бевосита алоқалар қатнашчи-кузатувчининг икки ёқлама тутган ўрнини тақазо қилади ҳамда респондент билан ишончли муносабатларни ўрнатишни талаб қилади.
3. Масофани сақлашда тушуниш ва хайрихоҳлик-аналитик истиқболнинг қатъий шарти.
4. Доимий равишда ҳолатни белгилаб детал, ёзма қайдлар, қўшимча маълумотлар манбаларини йиғиш (расмлар, ҳужжатлар, хатлар, кундаликлар ва ҳоказо) воқеанинг ҳар томонлама таҳлил қилиниши гарови.
5. Ҳар кунги амалиётнинг ташқи (онгли, айтилган) ҳамда ички (айтилмаган, тахминий) элементларини ажратиш керак.

Амалий тадқиқот маълумотларини сақлаш:

Амалий тадқиқот маълумотларини сақлашга уни компютерлаштириш ва бошқа узоқ сақланадиган усулдан фойдаланиш. Бунда ушбу қоидаларга риоя қилиш зарур.

1-қоида. Бошланғич маълумот интервью матнини айнан тиклашини таъминлаш керак, шунинг учун у аудио, видеокассеталарда ёзиб олинади.

2-қоида. Бошланғич маълумотда тадқиқотчининг қисқача изоҳи бўлади, унинг тирик, яқин таъсуротлари, кейинги аниқлаш учун саволлар. Уларни шу плёнкага ёзиб олиш мумкин.

3-қоида. Маълумотлар узоқ аналитик ишга мўлжаллаб нутқ транскрипти кўринишида берилиши керак. Қоғозда ёки компютер ёзувида.

4-қоида. Транскрипт респондентнинг нутқини ҳеч бир ўзгаришсиз сир сақланиши лозим.

Сифат маълумотларнинг хусусиятлари шундан иборатки унинг маълумот манбаси (респондент) бутунлай бошқа маданият соҳиби бўлиши мумкин. Нутқ хусусиятларини қайд қилиш бошқа алоқадаги маданий-лингвистик таҳлилнинг объекти бўлиши мумкин. Шунинг учун олимларнинг нутқларини айнан қайд қилиш жуда муҳим.

Транскриптда тўхталишлар, оҳанглар (кулги, таажжуб, нафрат) ҳамда хиссий модал сўзлар (хм, э-э-э, йўқ) ҳам қайд қилинади. Шунинг учун ёзишдан олдин транскрипт қиладиган кишига тегишли кўрсатмалар берилади. Бундан ташқари матнларни кодлашнинг умумий системасини респондентнинг исми билан, санаси ва интервьюни ўтказиш жойи билан ва ҳоказо.

Транскрипт тузаётганда катта полялар қолдирилади, тадқиқотчининг бошланғич ва кейинги изоҳлари учун. Бунақа қайдни одатда «мемос» (хотиралар) деб аталади. Ҳамма хотиралар эмоционал ҳамда бошланғич аналитик таҳлиллар ҳам поляларда қайд қилинади.

5-қоида. Матн материалларининг кўпроқ нусхаларини тайёрлаш, кейинги қайчи билан учун-матннинг қисмларини тегишли мавзулар, саналар, воқеалар билан бирлаштириш учун.

Интервью ва кузатув матнларини компьютерга киргизиш, сақлаш учун энг қулай усулдир, айниқса маълумотлар манбалари кўп бўлган тақдирда. Интервьюнинг оз сонлигида компьютерли кодлашга ҳожат қолмайди.

Маълумотларни таърифлаш ва ишончлилигини текшириш:

Бошланғич маълумотларнинг турлилиги, матнлар турлари билан фарқланадиган, тадқиқот стратегиялари ва масалалари бўйинча қатъий тавсиялар бериш имконидан маҳрум қилади: ҳар ким ўз стратегиясини

танлайди. Лекин бу ерда умумий назарий нишонларни ижодий изланишларни йўналтирадиганларини аниқлаш мумкин.

Аналитик таърифлашнинг нуқтаи назарлари:

Маълумотларни англашнинг энг машаққатли сермеҳнат ва қизиқарли қисми, у маълумотларни йиғиш жараёнига нисбатан кўп вақт ҳамда кучни олади. У матнларни аналитик таърифидан бошланади. Бирини ўқиб чиқиш жараёни ўзи анча муддатни талаб қилади: Матнни диққат билан ўқиш, бошланғич кодлаш тартибини ишлаб чиқиш, автор изоҳлари. Такрорий ўқишда изоҳлар англаб чиқилади, контекст билан тадқиқотчининг илмий қараши солиштирилади. Бунинг натижасида кўплари кераксиз бўлиб бошқалари билан алмаштирилади, матн қайта ўқилади, янги анослари аниқланади. Шундай қилиб бу бир неча маротаба такрорланади. Тадқиқотчи ўзининг нуқтаи назар бурчагини, қайта-қайта аналитик концепцияси матн маъноси бир хил бўлмагунча текширилади. Тадқиқотчи бу ишни асосий ғоялар ва мавзулар аниқ бўлмагунча бажараверади. Бу техниканинг анъанавий контекст-анализ жараёнидан асосий фарқлари шундан иборат. А) аналитик тушунчалар доимий равишда қайта англаб чиқилади ва ўзгаради. Б) транскрипт доимо маълумот манбаи сифатида бошланғич бўлиб ҳисобланади, концепцияларга нисбатан; В) таҳлил пайтида матн ўзигина маълумот элементи бўлиб қолмай, балки вазиятнинг умумий контексти ҳам таҳлил элементи бўлади. Бошланғич таҳлил цикл хусусиятига эга, контекст-анализ ва линейнидан фарқ қилади.

Ҳар бир ҳикоя баён қилишнинг шахсий формасидир, шахсий гувоҳлик, биргаликдаги субъектив ва ижтимоий мазмунга тўла. Бундай ҳикоянинг ижтимоий қиймати бу гувоҳликни концептуал билиш билан бирлаштирмоқчи бўлган пайтда намоён бўлади, маълум тушунчаларни маданий ижтимоий формаларида таҳлил жараёнида нормативнинг четга чиқадигани, оддий ва ғайритабiiийни онги ва қачондан маълум бўлганнинг

перспективаси белгиланади. Бошқа сўз билан айтганда интерпритаторнинг вазифаси соддадил ишончдан ҳикоячининг қарашлари ва баҳоларига ижтимоий билимлар позициясидан танқидий мулоҳазага ва солиштиришга ўтишидир. Бунда бошланғич шахсий текст билан боғлашни диққат билан эътибордан қочирмаслик керак. Биз доимо унга қайтиб келамиз, унга янги батафсил тафсилотларни матнни қайта ўқиб чиққанда пайдо бўлган ёки бошқа манбаларнинг таҳлилидан келиб чиққан ёки кенгроқ ижтимоий контекст билан солиштирганда пайдо бўлган маълумотларни аввалгиларга қўшиб қўямиз. Сифат тадқиқотда маълумотларнинг ишончлик муаммоси-бу методологиянинг энг нозик заиф томони. У миқдорчилар томонидан танқид қилинади, чунки ҳақиқий ишончли статистик волидлик бу ҳолатда бўлиши мумкин эмас. Маълумотларнинг ишончилиги тадқиқотчининг қуйидаги хусусиятлари билан амалга оширилади.

1. Айтилган фикрларни реал воқеалар билан солиштириш, айниқса бўлган воқеаларни маъмурий хужжатлар ёрдамида текшириш имкони бўлса; туғилиш, уйланиш, ажралиш, ўлиш, тарихий воқеа:
2. Бошқа кишиларнинг ҳаётидаги ўхшаш воқеалари ва ҳолатлари билан солиштириш.
3. Респондентнинг ёки бошқа индивидларнинг фикрларидаги қарама-қаршилиқларни аниқлаш. Буни бошқа оила аъзолари, ёки гуруҳ аъзоларидан аниқлаш мумкин.
4. Олинган маълумотларни бошқа манба маълумотлари билан солиштириш энг аввало миқдорийлар билан типик дароматни аниқлаш учун бу «ҳолатнинг» репрезентативлигини аниқлаш учун.

Маълумотларнинг ишончилигини ошириш учун яхши усул оммавий текширишдан тадқиқот ўтганлар орасидан интервью учун объектларни танлаб олиш. Тадқиқотчининг холислигини маълумотларни интерпритация этапида триингуляция усули қўлланилади-командада ишлаётган учта

тадқиқотчи томонидан баъзи фрагментни изоҳлаб чиқиш ҳар қандай ҳолатда ҳам таҳлилни бошлашдан олдин ўзинга икки саволни бериш зарур.

Биринчиси - қанчада ва нимада интервью оладиганга ишониш мумкин. Нимани қўшимча текшириш керак?

Иккинчиси - қанча ва нимада интервью оладиганга ишониш мумкин, респондент билан унинг муносабатлари қандай шаклланди. Интервью берадиган учун интервьюерни ёши, жинси, қарашлари ҳикоячи учун нотўғри ёлғон гапиришга сабаб бўлмадими?

Аналитик тадқиқотчининг вазифаси фақат бу қийинчиликларнигина бартараф қилишгина эмас. Маълумотларни кейинги интерпритация пайтида уларнинг таъсирини ҳикояга ва ҳикоячига ҳисобга олиш керак ва айтиб ўтиш керак. Шунинг эса тутиш керакки социолог учун ҳақиқат ва ёлғончилик муаммоси бошқароқ маънога эга тарихчига нисбатан. Социолог у ёки бу «ижтимоий миф» ёки фактларни бузиб кўрсатишнинг ортида қандай маданий ахлоқий хусусиятлари туришини аниқлаш муҳимроқ.

Асосий вазифа - кузатилаётган фактнинг яширин ижтимоий маъносини аниқлаш.

Матнларни структуралаштириш.

Тахмин бирлиги қилиб баъзи бутун матн олинади (мисол учун ҳалиги кишининг ўзига хослиги, тили намунаси сифатида) аммо кўпинча бирлик бўлиб маълум бўлак ёки бир кўриниш матннинг элементар бир бўлаги, ички жиҳатдан тугалланган бир сюжетга эга.

Асосий мақсад - кузатилаётган фактнинг яширинган ижтимоий маъносини аниқлаш.

Матнни структуралаштириш

Таҳлил бирлиги қилиб баъзида бутун матн олинади, аммо кўпинча бирлик бўлиб маълум бўлак ёки ҳодиса олинади.

Кейинги вазифа - матнни структуралаштиришдан иборат «далада» олинган маълумотларни таърифлаб бериш, мантиқ қонунларига ва тадқиқот мақсадларига асосланиб. Шу мақсадлардан чиқиб улар мавзулар бўйинча, вақт, ҳаёт томонлари, ҳис туйғу кечинмалари бўйинча тузилиши мумкин. Албатта бу этапда ҳам ўз фаросатидан ва объектни эмоционал идрок қилишдан тўла воз кечиб бўлмайди. Аммо таҳлилнинг ҳар бир босқичи билан эмоционал сезиш ва шериклик позицияси камаяверади ва тадқиқотчи борган сари рационал таъриф ва тартибга келтириш мантиқни қурол сифатида фойдаланади. Шундай қилиб бу этапда матнни унинг бошланғич кўринишидан таҳлил бирликларига (секвенцияларга) айлантириш, мавзулар бўйича структуралаштирилган ва уларнинг қанчалик ва қай даражада бири-бири билан боғланганликларини кўриш.

Умуман аналитик таъриф-объектнинг бизни қизиқтирадиган ҳамма тавсифларини санаб ўтишдир. Сифатий тадқиқотда бундай таърифлаш, тўйинган зич таъриф деб аталади, бунда воқеани муносабатини қайд қилишдан бошқа шуларни ҳам ажратиб олиш керак.

А) унинг контексти ҳамда

Б) ҳаракат қатнашчиларига бу воқеаларнинг субъектив аҳамияти.

В) жараён қандай ҳолатда ўтди.

Муҳими, таъриф ҳар томонлама ва кўпроқ конкретлаштирилган бўлиши керак. Бу этапда тадқиқотчининг минимум баҳоларини тақазо этади. У қатнашчиларнинг терминлари билан қисқача таърифланган ҳолатнинг вариантыдир. Тадқиқотчининг бундаги роли ҳаракатларини мақсад сари йўналтириш.

Баъзи социологлар (айниқса этнографик йўналишдагилар) таърифий таҳлилга тўхталиб, кейинги тадқиқотчиларга қатнашчиларнинг субъектив нуқтаи назарини таҳлил қилишни ва ўз фаразларини ўртага қўйишни, ўз концепцияларини тузишни таклиф этадилар. Таъриф билан чекланадиган, агар маълумот манбаи уникал бўлса, ҳозиргача номаълум бўлган бирон феномен бўлса.

Воқеаларни умумлаштириб таҳлилни асосий эпизодларга қаратиб бойитиб ролларни, характерларни ҳаракатларнинг хронологик кетма-кетликни аниқлаб биз натижада янги ифодали социологик аҳамиятга эга бўлган ҳикояни структуралаштирамиз. Сифатли тўйинган таъриф кейинги интерпритация учун қимматбаҳо база бўлиб хизмат қилади. Қайтиб маълумотларни соддагина хронологик тартиблаштириш баъзан бошланғич тахминларни тузишга олиб келиши мумкин.

Сифат таҳлилининг талаблари:

1. Ҳикоянинг субъектив аҳамият ва маънолари маълум вақт майдонида таҳлил қилинади.
2. Бу бирлик ва маъноларни қайд қилишдан олдин транскриптни тадқиқотнинг бошқа қатнашчилари билан муҳокама қилиш фойдадан холи эмас.
3. Респондентга бир неча маротаба қайтиб келиш бир хил маълумотларни унинг учун у ёки бу ҳодиса, воқеа, қилиқ қандай маъно касб этишни аниқлаш имкониятидан воз кечмаслик керак.

Қисқача хулоса

XX асрнинг 60 йиллар ўртасида ғарб социологиясида “қатъий” - миқдорий усуллардан фойдаланиш ўзининг чўққисига чиқди. Баъзи ҳисобларга кўра етакчи журналларда босилаётган 90 фоиз нашрлар таҳлил қилишнинг миқдорий усулидан фойдаланган.

Бугунги кунга келганда дунё социологиясида ҳолат ўзгарди. Миқдорий усуллар танқид қилинди. Социологлар ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг инсоний моҳиятини тушунтириб беришда макросоциологик назариянинг имкониятларидан ҳафсалалари пир бўлганди.

Ҳозирги замон социологиясида инсонпарварлик даври, глобал муаммоларни, рационал ўрганишдан локал бирликларни ўрганиш ва тушуниш, озчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ва инсонларнинг ҳар кунги ижтимоий тажрибасини ўрганиш, ижтимоий ҳодисаларни макродан микроанализ қилишга ўтиш зарурати XX асрнинг 60-70 йилларида асослаб берилди. Аммо орадан ўтган чорак асрга яқин давр бу борада ҳам ўзининг айрим сўзларини айтишга улгурди. Кейинги даврда бутун дунёда тез-тез муурожаат қилинаётган ижтимоий зарурат ўтиш даври деб номланиб келинмоқда. Бу эса ўтиш даври социологиясини яратиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Айни пайтда ижтимоий жараёнларни макро ва микросоциология даражасида ўрганишни - ижтимоий жараёнларни ўрганишда хаослар ўрнини тўлдиришга маълум даражада хизмат қилиши мумкин.

Инсоннинг тартиб - интизоми, юриш - туриши ҳақидаги тушунчалар ҳам маълум назариялар орқали бу ҳаракатларни тушунтиришни талаб қилади.

Бошқа сўз билан айтганда миқдорий социология ташкилотлар, структуралар социал институтлар орасидаги ижтимоий ўзаро ҳаракатларни ўрганса,

сифатий социология бу муносабатларнинг реал амалиётининг субъектив томони билан шуғулланади.

Гуманистик социология сифат таҳлили асосларидир. Бунда структурализмга нисбатан индивидлар ижтимоий ҳаракат агентлари деб тушунилади. Улар ижтимоий дунёнинг маҳсулоти ёки қурбони эмас, балки ўйлаётган, ҳис қилаётган, ҳаракат қилаётган субъектлар бўлиб, атрофдаги дунёни яратишга қатнашадилар, ўзининг ва бошқаларнинг тартибига ўзининг маъносини ва аҳамиятини берадилар. Катта ижтимоий системалар бундай қарашда муносабатларнинг мураккаб жараёнлар натижасида пайдо бўлиши, ундаги умумий маънолар ва аҳамиятлар маълум даражада ижтимоий муносабатлар қатнашчиларнинг ҳаммаси томонидан белгиланади ва маъқулланади. Мисол учун ҳаммага тушунарли никоҳ маросимида айтилган “ҳа” сўзи. Бу сўз ҳамма ҳаракатларни мужассамлаштириб ҳамма қатнашчиларга бир маънода тушунилади. Шунинг учун сифатий социологияни субъектив социология деб ҳам атайдилар.

2-боб. Кейс стади усули асосида ишончли ахборотларни тўплаш амалиёти.

2.1. Кейс стади усули ҳақида умумий тушунча.

Кейс-стади (инглизча case - тўпلام, аниқ вазият, stadi-таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга

йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ходисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Кейс: тарихий маълумот. У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Кейс стадининг мактаблари Кейс стади ишлаб чиқишнинг икки классик мактаби Гарвард (Америка), Манчестер (Европада).

Муаммоли вазиятнинг ечимини топишни ўрганиш йўли. Ягона, тўғри Кўп вариантли ечимлар

Ҳажм

Ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Ҳажми бирмунча камроқ.

. Кейс стадининг мактаблари



Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари	1. Даладаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли
Материални тақдим этиш Усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергови 5. Ҳисобот 6. Очерк 7. Фактлар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи

Ҳажми	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қисқа (лўнда) 2. Ўртача миқдордаги 3. Катта (узун)
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тузилмаланган 2. Тузилмаланмаган
Ўқув топшириғини тақдимэтиш усули	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саволли 2. Кейс-топширик
Дидактик мақсадлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш 2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу қабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи
Чизмаийлаштириш усули	<ol style="list-style-type: none"> 1. Босма 2. Электрон 3. Видео-кейс 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс

Кейс-стади укитиш техникаси реал иктисодни исботлашда фойдаланилад. Кейс (вазият) тагида канакадир конкрет реал ташкилотдаги вазият тушунчаси ётади, масалан, таълим тарихи ташкилотнинг ташкил топиши, унинг ривожланиши, тижоратдги натижалар.

Таълим олаётганларни вазиятни анализлаштириш суралади, муаммонинг тушунчасини аниқлаш, аниқ бир масалани таклиф этиш ва улардан энг яхшисини танлаш керак. Бу метод XX асрда Гарвардда ишдаб чиқилган. Америка кейслари (вазият) ва европа кейсдари уртасида деярли хеч қандай фарқ йук. Одатда уларнинг иқдориди. Европада кейслар 1.5-2 марта қисқа ва қонунан қуп вариантли, ягона аниқ хулосага эга булади. Рахбар аниқ билимларни инобатга олиши, бахсда ташаббускорлик қилиши керак. Бу методдан фойдаланишда ортиқча кераксиз зиддиятларни четлаб ўтиш керак. Бахс хулосасини чиқаришда тингловчилар аралашини таъкиқ этилади, чунки рахбар бахс хулосасини ўзи чиқариши лозим. Кейсни ишлаб чиқариш юқори маблаг билан муқофотланади (уртача 30-35 минг \$)

Бу методдан чет давлатларда кенг миқёсда фойдаланилади, хусусан Американинг практик таълим методида. Унинг асосий хусусияти шуки, аудитория шароитида малакани оширишга бу билан инсон турли хил муаммоларни, қийинчиликларни ва реал профессионал ишларни бажаради. 2000-йилда Петербургда В.А.Спивакнинг укув қулланмаси нашр этилди. Спивакнинг курсатмаларига қура, тасвирланган муаммолар билан танишиб чиққан урганувчи вазиятни мустақил анализ қилади, муаммога ташхис қуяди ва ўзининг қарорларини бошқа урганувчилар билан бирга муҳокамага қуяди. Жамоанинг вазиятга нисбатан қаратилган ишлари рахбарга юборилади. Айтилганларга қушимча қилиш мумкинки, вазиятни тугри тасвирдашда факт жихатдан мавжуд бўлган ҳолатлар номларини ва атамаларни ўзлаштиришга таянади. Анализ аниқ ишлаб чиқарилган схема асосида максимал сондаги иштирокчилар билан ўтади. Муаммолар ечимини бахс қатнашувчидари ҳар томонлама қуриб чиқадилар,

фактларни тенглаштириш, қарорларни исботлаш керак. Шу асосда улар мураккаб жамият муаммоларини чуқур ва тулик ечими ҳақида тасаввурга эга булишади. Кейс-стади методидан фойдаланганда уни алоҳида бирламчи тренингда эмас, балки белгиланган узок вақтда ўқитиш, муаммони ечимда актив алоқалар ва ўқитилганларни маълумотларни йиғишини кузатиш керак.

Карелия республикаси ҳузуридаги Петрозаводек давлат университетининг ўқитувчиси Т.С.Терновский «оригинал кейс» методи ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: маълум реал вазиятдаги муаммо билан таништирилганда ва маълум бир нечта объект ёки ҳолат билан боғланганда... кейс-стади қонуни билан нечта қисмлардан иборат: кейс билан ишлаш вақтида, вазиятдаги муаммо билан танишиш керак, саволлар тупламага жавоб бериш ва вазифани бажариш керак. Ўқувчилар бурчагида кейс тушунчаси ва аудиторияда бу кейс билан ишлаш техникаси, қушимча жадваллар ҳам бўлиши зарур. Кейс – стади методи асосан социологик кузатувларда баъзан ёрдамчи сифатида, қўпгина ҳолларда асосий метод сифатида қўлланилади.

Кейс- стадининг таркибида тадқиқ қилинадиган аҳолининг ўзгариш даражасида ҳақиқатдан ҳам қўпгина биргина ўзига хос вазият изланмоқда. Натижалар мисолларни танлаб тақдим этиш мақсадида теориялар ва асосий билимларга қарама –қарши таянган ҳолда бўлса, вазиятлар давомида юзага чиқади. Этнография ёки кузатиш каби сифатли тадқиқот вазиятини амалга ошириш қўп вақтни олади ва ҳамма вақт ҳам ўзгартиришларсиз кейс-стади методини социолог ёрдамчиларига топшириб бўлмайди. Кейс- стади ёрдамида жуда кенг ҳолатдаги қидирув асосида аниқлаштирилган керакли ҳолатни қўлга киритиш қийин, бироқ уларнинг тула ҳолатини имкониятсизлик баҳосида қўрсатади.

Кейс–стади маъсулиятли ўқин.

Бугунги

қўнда қўпгина ташкилотлар ута ўткир ақлга эга бўлганларни ишга олишади, асосан ёшларни. Бунинг учун улар ишга қабул қилишдан олдин турли хил

методлар ва техника ишлаб чиқадилар. Купгина ташкилотларда сизга суровномадан утишни ва бир нечта кейсларни таклиф этадилар. Бу кейсларнинг максуди сиздан бир нечта катта вазифани ечими суралади, асосан сизнинг келажагингиз фаолияти билан боғлиқ булган савол тугилади. Катта ташкилотларда энг кулай ва куп ишлатиладиган метод бу « ассесмент марказ » ёки баҳолаш марказидир.

Ассесмент марказининг асосий ечими бу:

- 1.Ташкилотга тугри келадиган бир нечта мижозни аниқлаб олиш лозим;
- 2.Танлаб олинган мижозларни ташкилот ишларини бажаришга тайёр эканлигини текшириш;
3. Уларни психологиясини аниқлаб олиш керак (масалан стресс вазиятга тайёрми). Ассесмент марказ боскичлари.

1. психологик тестлар (оргтест, кот, Розерцвергнинг интеллектуал тестлари).

2. асосий вазифалар (кейслар масъулиятли уйинлар).

Кейс – бу реал ҳаётдан олинган конкрет тижорат – вазияти , сиз муҳим иш вариантларини таклиф қилишимиз керак. Асосан кейс билан ишлаганда унда кейс устида иш олиб борганда сиз ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ билан ишлашимиз мумкин ва уз ичига шартлар билан танишиш қарорларни олади. Кейс устида иш олиб борганда сизнинг ишингиз қузатилади, сиздан доим ахборот олиниб турадилар ва техник ускуналар асосида запис қилинади (аудио ёки видео ускуналар), бундан олдин сиздан рухсат олишлари керак. Қарорни чиқаришдан олдин қуйидагиларни инобатга олиш лозим. Анализ қоидалари.

Диккат билан кейс қоидаларига эътибор беринг, аммо бунга 20 минутдан ортиқ вақт сарфламанг, фақатгина қуз югуртириб чиқинг ва асосий фикрлани қозғога ёзиб қуйинг. Масалан, функцияни таксимлаш: гуруҳда кейс билан ишларда сиз қим қайси масалани ечишни таксимлаб беришингиз керак.

Масъулиятни уз зиммангизга олишга, сизнингча ким кила олади ва ким томондан бу иш бажарилишини кура олишга харакат килишингиз керак.

Кейс турлари.

1. Структуравий кейс. Кам миқдордаги ахборотларни уз ичига олади. Маълум бир формулани билиш учун оптимал қарорларга эга булади.
2. Киска тушунчалар. Бир нечта матн хулосаларни уз ичига олади, у билан ишлаганда уз билимингизга таянилади.
3. Катта структуралашган кейслар. Одатда жуда катта (40-50 варақ матн) куп ахборотларни уз ичига олади. У билан ишлаганда керакли ва кераксиз ахборотларни таксимлаб олинади.
4. Янги кейслар. Унда янги қарорлар таклиф қилинади.

Кейсолог фаолияти мазмунини босқичма-босқич кўриб чиқамиз

Кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш. Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш. Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси»ни аниқлаш: ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати.

Муаммонинг ифодаланиши

Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг амал қилиши ва ифодаланиши шаклидан иборатлиги сабабли муаммонинг ифодаланиши ана шу зиддиятни белгилаш . Асосий таркибий қисмлари – муаммотузилмасини (кичик муаммоларни) белгилашни.

Кейс дастурий картасининг қурилиши.

Кейснинг дастурий картаси кейс учунаҳборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учунасос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Қуйида тақдим этилган мисолдаги кейснинг дастурий картаси саволлар шаклида ишлаб чиқилган. Бу талаба – кейсологнинг ахборот йиғиш, шу жумладан интервью шаклида йиғиши, ва уни баён қилиш вазифасини енгиллаштиради.

Кейсолог фаолияти мазмунини

Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу босқичига киришишдан олдин кейсолог куйидаги қарорларни қабул қилади:

Кейс ҳатийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?

Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?

Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун) ёки топади (ҳаётий ёки илмий-тадқиқотчилик кейси учун).

Ахборот йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши

Кейс учун ахборот йиғиш усуллари

- Интервью;
- Сухбат;
- Ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни);
- Кузатув ва ҳоказо.

Ахборот йиғиш воситаси

- Сўровнома варағи;
- Интервью олиш варағи;
- Анкета;
- Ҳар хил жадваллар ва бошқалар;

Ахборот манбалари:

- статистик материаллар, ҳисоботлар;
- Вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар, проспектлар ва бошқа маълумотлар;
- Интернет;
- Оммавий ахборот воситалари;
- Корхона рақиблари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот;
- Талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари;
- Илмий мақолалар, монографиялар.

Вазият моделининг қурилиши

Кейсолог фаолияти мазмунини

Қарор қабул қилади:

Кейс қандай бўлади: сюжетли ёки сюжетсиз?

Кейсдаги воқеалар ахборотни баён қилишнинг вақтдаги изчиллиги бўйича ўтмишдан ҳозирга келадиган ёки кейс-хотира ёхуд прогностик бўладими?

Вазиятга оид машқ қандай жанрда баён қилинади: ҳикоя ёки эссе ёхуд таҳлилий ёзишма ёки бошқача шаклда?

Кейсолог қабул қилинган ечим асосида вазият моделини қуради. Кейсдаги вазият модели вазият субъекти фаолиятининг идеал инъикосидан иборат бўлади ва ифодаланган муаммо ташувчиси ролини бажаради.

Кейсолог фаолияти мазмунини

Қарор қабул қилади:

Кейс ўз ҳажмига кўра қисқа ёки ўртача миқдорда ёхуд катта бўладими?

Бу саволли кейсми ёки кейс-топшириқми?

Кейсда муаммо қандай усулда берилади?

Кейс тузилмаси бўйича қандай бўлади?

Кейс ёзишга киришилади.

Кейс – стадида муаммони ечиш усуллари куйидагилар

1-усул – муаммони кейсолог ифодалайди.

2-усул – вазиятдаги муаммо яққол ифодаланади, лекин бунда вазиятнинг зарур элементларидан бири (масалан, шериклар ҳақидаги) ахборот бўлмайди.

3-усул – матнда вазият субъектлари ўртасидаги зиддият мавҳум ифодаланади.

3. Ю. Йўлдошев, Ш. И. Бобоҳўжаев // замонвий ўқитиш методлари // Таълим технологиялари №3 – 2006.

Кейснинг тузилиши



Кейс объектининг тарихий баёни

Ушбу компонент катта (америкача, узун) кейсларда доим бўлади. Тақдим этилган ахборот муаммонинг ретроспектив таҳлилини ўтказиш, унинг сабаблари ва ривожланиш тенденцияларини белгилашга имкон беради.

Вазият

Кейсда баён қилинган вазият, корхонага шу пайтда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган параметрлар, ўзгарувчан омилларнинг аниқ туркуми шаклида ифодаланади. Бошқача айтганда, у вазият объекти ҳақидаги релевант (муаммони ҳал этиш учун муҳим) маълумотлар рўйхатидан иборат бўлади.

Муваффақиятли вазиятли машқлар турли персонажлар ўртасидаги суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин, талабалар – кейсдан фойдаланувчиларнинг вазиятнинг реаллигини ҳис этишига ёрдам берадиган бошқа публицистик усуллар ва воситалар ҳам ишлатилади.

Вазиятнинг кейсдаги баёни ва унинг ахборот таъминоти қуйидагиларга кўра турлича бўлиши мумкин:

- Ҳажмига кўра: бир неча жумладан тортиб, то юзлаб саҳифали матнгача;
- деталлаштириш даражаси ва ахборотга бойлигига кўра: таҳлил предметига бевосита тегишли бўлмаган ахборотнинг мавжуд бўлиши ёки, аксинча, вазият элементларидан бири ҳақидаги ахборотнинг бўлмаслиги ҳам мумкин

Муҳокама учун саволлар ва кейсга вазифалар

Агар кейс саволли тоифасига тегишли бўлса, унда баён қилинган вазият охирида муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида муҳокама қилиш учун бир нечта саволлар келтирилади.

Агар кейс-топшириқ бўлса муаммоли майдон шакллантирилгандан кейин “Кириш” қисмида кейс ечиш жараёнида талабалар томонидан бажариладиган вазифа берилди.

Кейснинг педагогик паспорти

Кейснинг педагогик паспорти, бу унинг ташкилий-услубий таъминотидир. У қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- педагогик аннотация;
- талабага услубий кўрсатмалар;
- ўқитувчи – кейсологнинг кейсни ҳал этиш варианты;
- таълим технологияси.

Педагогик аннотация

Қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курс кўрсатилади.
2. Кейсдан кўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштирилдиган ўқув натижалари).
3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.

4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.

5. Ахборот олиш манбалари рўйхати.

6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).

7. Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Ушбу кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттиради. **Кейс объекти** - Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси.

Ахборот манбалари:

- Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси Устави;
- «DESK-INVEST» корхонасининг бизнес-режаси;
- «DESK-INVEST» корхонасининг 2005-2006 йиллардаги ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги йиллик ҳисобот.

Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси:

Кейс ҳаётӣй, сюжетсиз кейслар категориясига киради ва статистик материаллар асосида тузилади. Кейс қисқа, тузилмаланган. Бу кейс-топшириқдир.

Кейс дидактик мақсадларига кўра вазият субъектини ривожлантиришнинг

янги стратегиялари ва йўлларини ишлаб чиқишга рағбатлантирадиган кейслар тоифасига киради.

Кейс электрон версияда тақдим этилган. **Кейсдан** қуйидаги ўқув предметларини ўқитиш жараёнида **фойдаланиш мумкин**: «Маркетинг тадқиқотлар», «Стратегик маркетинг», «Маркетингни бошқариш».

Талабага услубий кўрсатмалар

Кейс услубий паспортининг мазкур компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишга ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);
- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варағи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқнома;
- кейс билан индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари;
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).

Ўқув машғулотидаги таълимтехнологияси

Қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Таълим технологияси модели;
- Ўқув машғулотининг технологик картаси ;

“Таълимнинг кейс-технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” номли слайдли тақдимотга қарадик.

Яратилган кейс эксперт текширувидан ва баҳосидан ўтиши керак. Қуйидагилар текшириш усуллари бўлиши мумкин:

1. Кейс лойиҳасининг корхона ходими томонидан кўриб чиқилиши ва унда баён қилинган ахборотнинг реал вазиятга мувофиқ келиши, шунингдек келтирилган фактлар талқини ва шу кабиларнинг текширилиши.

2. Экспертлик баҳоси ва ҳамкасблар фикрлари, ўқитувчи-кейсологнинг кейснинг таълимдаги қиммати хусусидаги фикри, уни текширишнинг 2-усулидир.

Кейснинг текширилиши ва Баҳоланиши

Яратилган кейс эксперт текширувидан ва баҳосидан ўтиши керак. Қуйидагилар текшириш усуллари бўлиши мумкин:

1. Кейс лойиҳасининг корхона ходими томонидан кўриб чиқилиши ва унда баён қилинган ахборотнинг реал вазиятга мувофиқ келиши, шунингдек келтирилган фактлар талқини ва шу кабиларнинг текширилиши.

2. Экспертлик баҳоси ва ҳамкасблар фикрлари, ўқитувчи-кейсологнинг кейснинг таълимдаги қиммати хусусидаги фикри, уни текширишнинг 2-усулидир.

Кейснинг таълим амалиётига жорий этилиши.

Кейсолог фаолияти мазмунини.

Ижобий эксперт хулосаси ва синовдан кейин кейс матни қўшимча ишланади ва унинг охириги варианты ўқув машғулотларида ишлатилиши мумкин.

Агар кейс таълим амалиётига кенг тадбиқ этиш мақсатида нашр қилинса, педагогик аннотацияси ва имкон бўлса услубий кўрсатмалар тайёрлайди.

2.3. Оғзаки тарих ва гуруҳий мунозара усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

Тарихий тадқиқотлар ёки оғзаки тарих, одатда маълум тарихий воқеаларни атаб ўтиш субъектив таърибасини таърифлаб беради.

Бунда социологларнинг қизиқиши тарихий воқеаларнинг локал ёки умумаҳамиятга эга бўлган томонга йўналтириш мумкин.

Тарихий тадқиқотда умумижтимоий масштабга эга воқеадан бой ҳужжатли маълумотлар бўлмаса янада қимматлироқ бўлади. Бунинг учун ижтимоий тарихий жаҳони чуқур таҳлил қилиш керак.

Агарда тадқиқот тарихий воқеаларнинг қатнашчилари ёки шохидларига кўрсатган таъсирининг субъектив томонини аниқласа, унда оғзаки тарих усули танланади. Бу ерда биринчи масала бўлиб хотиралар тўғрилигини текшириш ва бошқа маълумот манбалари билан солиштириш ётади.

Оила тарихи усули авлодлар, бўғинлар давомида оила ва жамиятнинг ҳамкорлигини ўрганади. Оила нисбатан мустақкам кичик гуруҳ сифатида тарихий ўтмиш таҳлили асосида олинган. У ҳар бир бўғинда аъзоларга бўлинади ва қайта тузилади. Бу эса унинг ижтимоий феноменлиги, доимийлигини рад қилмайди. Оила аъзоларининг ҳудудий ва ижтимоий мобиллиги, ўтувчанлиги, оиланинг ижтимоий статуси (мавқеи) авлоддан авлодга ўзгариши, маданий меросни бирлиги қийматларнинг ўзгариши инсон ҳаётининг тарихи болаликдан бошлаб улғайиши, қариши сифатий социологияда энг тарқалган йўналишдир.

Гуруҳ мунозаралари прикладной маркетинг тадқиқотларда, харидорларнинг талаби, рекламага бўлган реакция, сиёсий арбобларга муносабати ва ҳ.к.

Бу услуб миқдорий ва сифатий ёндашишларни бир қанча даражада комбинациялаштиради, чунки гуруҳлар маълум даражада бирликни намоёиш қилишлари керак.

Мунозарани модератор-тадқиқотчи ўзи олиб боради. У мавзунини таклиф қилади ва қатнашчиларни баҳсга ундайди. Ўзларининг фикрларини баён қилишга таклиф қилинган фикрлардан ташқари бошқача фикрларни айтишга ундайди. Модератор устамонлик билан мунозарани олиб боради. Саволларни чуқур ўйлаб режа мақсадларига мувофиқ бўлади. Мунозаранинг мазмуни ва қатнашчиларининг тартиби сифатий таҳлил қилиниши керак. Фактлар бирма-бир ўрганилиши ҳамда лексика, оҳанг ва мумкин бўлган барча воситалар билан айтилган фикрларнинг маъносини тушуниш, айнан шу маъноларнинг қайсиларни мунозара қатнашчилари ўзлари берганлигини аниқлаш лозим.

Тадқиқотчи ўз диққатини мунозара предметиға ҳамда конкрет гуруҳ вакиллариға қаратади. (ижтимоий қатлам, касб, ижтимоий ҳаракатни қўллаб қувватловчи гуруҳ, поп-юлдуз мутаасублари, харидорлар ва ҳ.к.)

Гуруҳ таркиби тадқиқот масалалари ва мақсади билан белгиланади. Бунда бир хил бирликлар вакиллари бўлиши мумкин (масалан бирон партиянинг тарафдорлари ва рақиблари, санъатдаги жанр севувчилари, унга бефарқлар, гамоген гуруҳ талабалар, ўқувчилар, ҳарбийлар, нафақалар) «мақсадли» (тингловчилар, оммавий «ахборот воситаси ўқувчилари, «тасодифий» гуруҳ (қандайдир тўсатдан келиб чиққан офатни бирга кечираётган кишилар). Бундай гуруҳларда одам сони 15 кишигача бўлиб, мунозара аудио ёки видеокассетаға ёзиб олинади.

Гуруҳий мунозара иштирокчилари (бу гуруҳда маълум бир шахслар қатнашади. Шифокор, ўқитувчи, иқтисодчи, ёш болалар ва ёш ўсмирлар

билан иш олиб борувчи прокуратура ижрочиси ва ота-оналар) муҳокамасига қўйидагича саволлар ташланилиши мумкин.

Савол: Бола бу ким?

Бу саволга гуруҳ қатнашувчиларининг жавоби:

Бола бу индивид, фарзанд, шажара давомчиси ёки ёрдамга мухтож шаклланмаган индивид.

Савол: Ёш болаларни соғлом тарбиялаш учун нима қилиш керак?

Жавоб: Шифокор- болани шахсий гигиенасини бажариши керак, овқат истеъмол қилишида ҳар кунлик вақтини режалаштириши керак.

Психолог- унинг олдида жанжаллашмаслик, унга қарата яхши муомала қилиш зарур.

Иқтисодчи- пулни аямай болага керакли маҳсулотларни олиш керак.

Мунозаралар ниҳоясида гуруҳ қатнашувчилари фикрлари инобатга олиниб якуний хулоса сифатида муаммога ечим топилади.

Қисқача хулоса.

Кейс-стади (case study) – айрим бирликларни тадқиқ қилишда йирик объектни ўрганишнинг анъанавий соҳасидир. Бундай объект бўлиб энг аввало, бошқа усуллар билан ўрганиш қийин бўлган чегараланган биргина жамиятнинг (жиноий гуруҳлар, бомжлар, гадойлар, ижтимоий элиталар, диний секталар, ҳамда ишлаб чиқариш коллективлари) турли гуруҳлари киради. Сўнгги ҳолда тадқиқотчилар узоқ муддат давомида корхонанинг ҳар кунги ҳаёти қатнашчилари бўлиб қоладилар ва ўзаро боғлиқ алоқалар, муносабатлар системасини ўрганадилар, маълум воқеаларнинг коллектив ҳаётига аҳамиятини ўрганадилар.

Одатда анализ объекти бўлиб биргина ҳодиса олинади. Таққосланган вақтда уларнинг сони уч, тўрттадан кўп бўлмаслиги керак. Кузатишлар кундалигида оддий объект ҳаётидаги ва экстремал ҳолатлар пайма-пай қайд қилиниб бориши керак. Кузатувлар вақт бирлигида (соат, кун, ҳафта) олиб борилади. Ҳамма фактлар, изоҳлар, ғоялартадқиқотчилар гуруҳида муҳокама қилиниши керак. Маълумот манбаи бўлиб кузатувлар, фотолар, фокус интервьюлар, эксперт-интервьюлар, ишлаб чиқариш тавсияномалари, видеомаълумотлар бўлиши мумкин.

Кейс-стадида ўрганиш предмети айрим шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳам бўлиши мумкин. Кейс-стади хусусиятлари объектни ўзига хослигини чуқур ўрганишда, натижалар хулосаси локал характерга эга ва конфликтларни (низоларни) бартараф этиш ёки бирликнинг муваффақиятли фаолиятини давом эттиришга тавсияномалар беришда намоён бўлади.

Бу методдан чет давлатларда кенг микёсда фойдаланилади, хусусан Американинг практик таълим методида. Унинг асосий хусусияти шуки, аудитория шароитида малакани оширишва бу билан инсон турли хил

муаммоларни, кийинчиликларни ва реал профессионал ишларни бажаради. 2000-йилда Петербургда В.А.Спивакнинг укув кулланмаси нашр этилди. Спивакнинг курсатмаларига кура, тасвирланган муаммолар билан танишиб чиккан урганувчи вазиятни мустакил анализ килади, муаммога ташхис куяди ва узининг карорларини бошка урганувчилар билан бирга мухокамага куяди. Жамоанинг вазиятга нисбатан каратилган ишлари рахбарга юборилади. Айтилганларга кушимча килиш мумкинки, вазиятни тугри тасвирдашда факт жихатдан мавжуд булган холатлар номларини ва атамаларни узлаштиришга таянади. Анализ аник ишлаб чикарилган схема асосида максимал сондаги иштирокчилар билан утади. Муаммолар ечимини бахс катнашувчидари хар томонлама куриб чикадилар, фактларни тенглаштириш, карорларни исботлаш керак. Шу асосда улар мураккаб жамият муаммоларини чукур ва тулик ечими хакида тасаввурга эга булишади. Кейс-стади методидан фойдаланганда уни алохида бирламчи тренингда эмас, балки белгиланган узок вақтда укутиш, муаммони ечимида актив алокалар ва укуётганларни маълумотларни йигишини кузатиш керак.

хулоса

Жамиятимизда юз бераётган чукур узгаришлар хаётимизга шиддат билан кириб бормокда. Содир булаётган туб силжишлар нафакат дунёни хозирги киёфасини, малакатимизнинг ижтимоий – сиёсий хаётини узгартириб юбормокда. Бу узгаришларни юзага келтираётган ижтимоий сабаб ва холатлар, уларнинг окибатларини билиш, ислохот ларни амалга оширишда бу факторларни хисобга олиш мухим ахамиятга эга.

Жамият хаётидаги мавжуд ижтимоий узаро алокадорлик, ижтимоий функционал муносабатлар, уларни юзага келиши ва окибатлари социологик тадқиқотлар объекти хисобланади. Социология узининг тадқиқот усуллари, услубиёти ва методологияси ёрдамида бу жараёнларни илмий асосда урганари.

Ижтимоий хаётнинг турли сохаларида фаолият курсатувчи мутахасис бу жараёнлар хакида мукамал билимга эга булишлари лозим, акс холда хаётимизда юз бериши мумкин булган салбий окибатлар олди олинмай қолади. Бу эса жамиятга, кишилар хаётига, ишлаб чиқаришга, маънавиятга ижтимоий-рухий иклимга путур етказиши мумкин.

Шу сабабларга кура битирув малакавий ишининг асоси килиб куйидагиларни олдик:

- сифат тахлил усуллари, хусусиятлари, имкониятлари ва унинг ишончли ахборот туплаш воситаси сифатида ижтимоий жараёнлардаги таъсирини ургандик;
- социологик тадқиқотларда сифат тахлил усулларининг ахамиятини очиб бердик;

- сифат таҳлил усулларида кейс – стади, тарихий тадқиқотлар ёки оғзаки тарих усули, гуруҳий мунозара ёки фокус – гуруҳ кабиларнинг имкониятларига тухталиб утдик;
- шу билан бирга, этнографик тадқиқотлар, оила тарихи, маълумотларни олишда шахсий ҳаёт тарихи, ўхшаш ҳодисаларни таққослаш усуллари ҳақидаги маълумотлар мавзунини очиқ беришдаги долзарблигини кўрсатиб утдик;
- сифат таҳлил талаблари, унинг асосида ўтказиладиган интервью, кузатиш методлари орқали объект ҳақида маълумотларга эга бўлдик.
- социологик тадқиқотларда сифат таҳлилининг услубий хусусиятларини ургандик;
- сифат ёндашувининг имкониятларини ургандик;
- сифат таҳлил усулларида назарий ва амалий манбааларини таҳлил қилдик;
- сифат таҳлил усулларида турлари ёрдамида муаммоли вазиятни очиқ бердик;
- битирув малакавий ишини ёритишда турли социолог олимларнинг ва Президентимиз асарларидан фойдаландик.

Хулоса урнида шуни айтиш жоизки, жамиятимиз шиддат билан ривожланиб бораётган айни бир пайтда социолог олимларни олиб бораётган изланишларини ҳаётга тадбиқ этсак, келажакда мамлакатимизни мустахкам стратегияга эга бўлишини таъминлаган бўламиз.

Биз булгуси социологлар сифатида шуни чуқур англашимиз лозим. Хар биримизни улаштирган билимларимиз ва тажрибаларимиз оз бўлса ҳам, кундан- кун изчиллик билан ривожланиб бораётган жамиятимизни

тартибга солишга уз хиссасини кушса, менимча давлатимиз равнаки учун
курулятган пойдевор янада ишончли булади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон. 2012 й.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т., Ўзбекистон, 1999 йил.
5. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 йил.
6. Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: Ўзбекистон. 1993й.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995й.
8. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1997й.
9. Каримов И. А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т.: Шарқ, 1998й.
10. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000й. 8- жилд.
11. Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси. 1-қисм. Бухоро.: 2005 й.
12. Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси фанидан таянч тушунчалар билан ишлаш. Услубий қўлланма. Бухоро.: 2005 й.
13. Каримов Б. Ш. Ёшлар ва диний тасаввурлар. Бухоро.: 2005 й.
14. Гофман А. Б. Семь лекций по истории социологии. М.: университет книжный дом. 1997й.
15. Елкусов А. Н. Социология. Учебное пособия для студентов ВУЗов. Мн.:Тетра системс, 1998й.
16. Каримова В. М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: Университет, 1999й.

17. Ньюман Л. В. Социал илмий методлар.: сифат ва миқдорий ёндашувлар. Бостон.: 1991й.
18. Капитонов Э. А. Социология XX века. Ростов – на – Дону.:1996й.
19. Татарова Г. Г. Методология анализа данных в социологии. М.:1999й.
20. Толстова Ю. Н. Измерения в социологии. М.: Инфра, 1999й.
21. Харчева В. Основы социологии. М.: Логос, 1999й.
22. Ядов В. А. Стратегия социологического исследования. М.: Добросвет, 1998й.
23. Каримов И. А. Юксак маънавият энгилмас куч. Т, Маънавият. 2009йил.
24. Эргашев. Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. Т, Маънавият. 2009йил.
25. Қуроноф М. Миллий тарбия. Т, Маънавият. 2009йил.
26. М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.
27. Жўраев С. Ёшлар сиёсатиға оид. Т, "Ўзбекистон",1994 йил.
28. Бегматов А. Социологияға кириш. Андижон,1995 йил.
29. Юнусов К. Социология. Методик ўқув қўлланмаси. Андижон,1997 йил.
30. Холбеков А, Идиоров У. Социология. Луғат. Т, Ибн Сино, 1999 йил.
31. Алиқориев Н. .ва бошқалар. Умумий социология. Бишкек, 2003 йил.
32. Гидденс. Э. Социология. Т.: «Шарқ». 2002йил.
33. Холбеков А., Идиоров У. Социология. Т.: Абу Али Ибн Сино, 1999й.

ИНОВАЦИЯ

Мазайка методи асосида сифат таҳлилининг визуал кўриниши





Кейснинг экспертлик баҳоси ва унинг ташкилий услубий таъминоти варағи.

Кейс номи _____

Ўқув предмети _____

Муаллиф _____

Кейснинг сифат тавсифномалари	Баҳо кўрсаткичлари		
	Мувофик келади	Қисман мувофик келади	Мувофик эмас
I. Педагогик аннотация: қуйидагиларни ўз ичига олади			
1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу кўрсатилади, таълим даражаси, курс			
2. Кейснинг мақсадни фараз қилиши (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари)			
3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган олдинги билимлар ва малакалар			
4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот			
5. Ахборот олиш манбалари рўйхати			
6. Кейснинг типологик белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмаийлаштириш усули)			
7. Кейсни қандай ўқув предметларини ўрганишда қўлланиш мумкин			
II. Кейс матни			
1. Қуриш қуйидагиларни ўз ичига олади:			
- кейснинг долзарблигини асослаш;			
- таълим берувчи мақсадни кўрсатиш;			
- талабалар кейсни ҳал этиш натижасида эришиши мумкин бўлган фараз қилинаётган ўқув натижаларини, уларнинг профессионаллаштириш учун аҳамиятини кўрсатиш; - кейс-топшириқда шунингдек ўқув топшириғи ҳам баён қилинади.			

2. Вазият			
Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазият учун хос;			
Қуйидагилар бўйича амалий фаолиятни моделлаштириш учун зарур ва етарлимиқдордаги ахборотга эга:			
- вазият таъхиси ва таҳлили, - муаммонинг асосланиши (ажратилиши), - муаммо ечими бўйича аниқ қадамларни лойиҳалаштириш			
Рақамланган жадваллар, чизмалар, графиклар шаклидаги статистик маълумотларга эга.			
Муаммо қуйидаги усуллардан бири билан берилган: 1) кейсолог ифодаланган; 2) яққол ифодаланган; 3) яққол ифодаланган, лекин бунда вазиятнинг зарур элементларидан бири ҳақида ахборот йўқ; 4) зиддият яққол ифодаланмаган.			
Вазият қизиқарли, оддий ва тушунарли тилда баён қилинган (агар кейс сюжетли бўлса).			
Кейсга саволлар ва топшириқлар(мавжудлиги – кейсолог фикрича) аниқ ифодаланган ва кейсинг мақсадни фарзқилишини акс эттиради.			
III. Талабага услубий кўрсатмалар			
Кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар, вазифалар ва ечим алгоритмлари аниқ ва бир хилда ифодаланган (тренингли кейсинг мажбурий элементи)			
Талабанинг амалий вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш бўйича кейс билан мустақил ишлаши йўриқномаси (вазиятни таҳлил этиш варағи) кейсинг мақсадни фарз қилишига мувофиқ келади ва қўйилган вазифаларбажарилишини таъминлайди			
Кейс билан индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари вақўрсатичлари аниқ ва бир хилда ифодаланган			
Талабалар учун ўқув–услубий материаллар (кейсолог фикрига қараб)			
IV. Кейсинг ўқитувчи-кейсолог томонидан ҳал этилган варианты			
Вазият таҳлили ва муаммо ечимини ўз ичига олади			
Кейс бўйича саволларга жавобларни ўз ичига олади			

